____________________________-сонли хатга Илова

**«Ўзбекистон МЭТ» АЖ Ахборот хизматининг 2021 йил биринчи яримйиллик медиа-режасига мувофиқ амалга оширилган ишлари ҳамда Медиа-режа асосида Жамиятнинг uzbekistonmet.uz веб-сайти ва унинг ижтимоий тармоқларидаги саҳифалари орқали кенг жамоатчилик эътиборига эълон қилинган мақолалари ҳақида батафсил (анонсли) маълумот**

| № | Амалга оширилган ишнинг қисқача мазмуни | Ҳаволаси |
|---|---|---|
| **1.** | **2020 ЙИЛ САРҲИСОБИ: ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИ ТУНУ КУН ХАЛҚИМИЗ ХИЗМАТИДА (№1)**<br>Республиканинг иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва бизнес субъектлари ҳамда аҳолининг электр энергиясига ортиб бораётган талабини тўлиқ қоплаш, яъни ишлаб чиқарилаётган электр энергиясини тақсимловчи корхоналарга узатишнинг ишончлилигини ошириш мақсадида, Жамият тассаруфидаги электр тармоқларини модернизация ҳамда реконструкция қилиш ишларини жадал олиб бормоқда. Хусусан, 2020 йилда подстанцияларда жами 1500 МВА янги қувватлар яратилди. Жумладан, модернизация дастури асосида 9 та подстанцияда жами қўшимча 1100 МВА қувват ишга туширилиши, янги қурилишлар дастурига асосан Тошкент вилояти аҳолиси ва тадбиркорлик субъектларини барқарор электр энергияси билан таъминлаш бўйича қўшимча қуввати 400 МВА янги 220 кВли «Сирғали» ПС фойдаланишга топширилганини алоҳида таъкидлаш зарур. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/655<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/655<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5528<br>https://uza.uz/uz/posts/elektr-energetika-tarmogi-tunu-kun-xalqimiz-xizmatida_199147 |
| **2.** | **ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ: ТАРИХИ, ИБТИДОИЙ ШАКЛИ, ТАРАҚҚИЁТИ, БУГУНИ (7-маълумот)**<br>XVIII аср бошларида атмосферадаги электр ёйи хусусиятларини ўрганиш бўйича рус олимлари Г.В.Рихман (1711–1753) ҳамда М.В.Ломоносов (1711–1765) ўз илмий тажрибаларини ўтказишган. Аммо дастлабки электр назарияси америкалик машҳур сиёсатчи, дунё харитасида АҚШ давлати пайдо бўлишига ўз ҳиссасини қўшган давлат арбоби, шу билан бирга, замонасининг таниқли олими Бенжамин Франклин томонидан яратилди. Унинг рисолаларида («Электр билан тажрибалар ва кузатишлар» асари, 1747) электр энергияси «номоддий суюқлик», «кўринмас оқим» дея таърифланган. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/656<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/656<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5536 |
| **3.** | **ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИДА УЗИЛИШЛАР КУЗАТИЛМОҚДА. ЮЗАГА КЕЛГАН МУАММО БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА**<br>Бугун соат 6:59 да ва 10:10 да “Муборак нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаси”га қарашли нефть ва газ қазиб чиқариш конларини электр энергияси билан таъминлаб турган “Нефтчи” подстанциясидан чиқувчи Л-Зеварда -1,2 электр узатиш тармоқлари реле ҳимоясидан ўчган. Натижада, электр энергиясини ишлаб чиқарувчи иссиқлик электр станцияларига етказиб берилаётган табиий газ соатига 140-175 минг метр кубга қисқарган. Бунинг натижасида электр энергияси таъминотида республика ҳудудлари бўйлаб 600-800 МВтгача чекловлар кузатилмоқда. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/772<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/772<br>http://minenergy.uz/uz/news/view/1037<br>https://kun.uz/06403037<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5545 |
| **4.** | **«ЎЗБЕКИСТОН МЭТ» АЖ АХБОРОТ ХИЗМАТИ: 2020 ЙИЛ IV ЧОРАК ҲИСОБОТИ**<br>«Ўзбекистон МЭТ» АЖ Ахборот хизматининг 2020 йил IV чорак медиа-режасига мувофиқ амалга оширилган ишлар: таҳлилий мақолалар, соҳага оид хабарлар, фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича жамоатчиликка тақдим этилаётган баёнотлар, бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот-маълумотномалар. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/662<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/662<br>https://telegra.ph/uzbekistonmet-uz-01-05<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5548 |
| **5.** | **ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ: ТАРИХИ, ИБТИДОИЙ ШАКЛИ, ТАРАҚҚИЁТИ, БУГУНИ (8-маълумот)**<br>Электр энергиясини чуқурроқ ўрганиш 1785 йилда француз ҳарбий муҳандиси Шарль де Кулоннинг (1736–1806) Кулон қонуни кашф этилганидан кейин аниқ фанга айлана бошлади. Кейинчалик, электромагнит майдон таълимотининг асосчиси — италиялик олим Майкл Фарадей (1791–1867) тадқиқотларидан руҳланган италиялик шифокор, экспериментал элетрофизиологиянинг асосчиси Луижи Гальвани (1737–1798) 1791 йилда... | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/657<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/657<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5538 |

| | | |
|---|---|---|
| **6.** | **РУБРИКА «ИТОГИ 2020 ГОДА»: НА САЙТЕ uzbekistonmet.uz И В ТЕЛЕГРАМ-КАНАЛЕ**<br>Информационная служба АО «Национальные электрические сети Узбекистана» сообщает, что все филиалы, департаменты, управления, подразделения и службы Акционерного общества начинают публиковать статьи-отчеты для внимания СМИ и общественности под рубрикой «ИТОГИ 2020 ГОДА».<br>Традиционно статьи, опубликованные в этом сводном разделе, предоставляются от имени филиалов, департаментов, управлений, отделов, подразделений и служб или их руководителей в форме отчета, в котором основное внимание уделяется проделанной работе в 2020 году (в цифрах и процентах), достижениях и недостатках, аналитическом заключении-комментариях и предложениях. | http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/665<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5557 |
| **7.** | **ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ТЕЛЕГРАМДАГИ РАСМИЙ САҲИФАЛАРИНИ КУЗАТИБ БОРИНГ!**<br>Ўзбекистонда расмий ахборотнинг биринчи манбаси - ахборот хизматлари ҳисобланади. Хозирги кунда барча давлат органлари телеграмда ўз саҳифаларини юритишмоқда.<br>Мазкур телеграм каналларида янги қонун ҳужжатлари шарҳи, аҳамиятли мавзулар юзасидан экспертлар фикри, муҳокамаларга сабаб бўлаётган мавзуларга оид расмий идоралар позициясидан бохабар бўлиш имконияти мавжуд. Давлат органларининг расмий каналлари билан танишиб, аъзо бўлишни тавсия қиламиз. | https://t.me/Rasmiy_xabarlar_Official/12243<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/667<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/667<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5563 |
| **8.** | **РАСМИЙ БАЁНОТ / ОФИЦИАЛЬНОЕ ЗАЯВЛЕНИЕ**<br>Марказий Осиё ва Қозоғистонни боғловчи ягона энергетик тизимининг электр узатиш тармоқларида режадан ташқари содир бўлган узилишлар сабабли аварияга қарши автоматика ишлаган. Энергетик қурилмаларга шикаст етмаслик учун ускунанинг технологик ҳимояси автоматик равишда ишлаган ва айрим электр станциялардаги энергоблоклар ўчирилди. / В связи с произошедшими внеплановыми отключениями на линиях электропередач единой энергосистемы, связывающей Центральную Азию и Казахстан, сработала противоаварийная автоматика. Сработавшая технологическая защита оборудования, во избежание повреждения внутренней части энергоблоков, автоматически отключила ПГУ | https://t.me/minenergy_uz/2634<br>https://t.me/minenergy_uz/2635<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/666<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/666<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/666<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5561<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5562 |
| **9.** | **2020 ЙИЛ САРҲИСОБИ: АХБОРОТ ХИЗМАТИ ТОМОНИДАН ҲАЁТИМИЗДАГИ МУАММО ВА ҲОДИСАЛАРГА ТЕЗКОР МУНОСАБАТ БИЛДИРИЛМОҚДА (№2)**<br>Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятининг Ахборот хизмати *(матбуот котиби)* Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг топшириқ ва кўрсатмаларига биноан **2020 йил давомида ОАВ ҳамда кенг жамоатчилик эътиборига эълон қилинган электрон ахборотлар:** иқтисодий-молиявий ҳисоботлар ва бошқа статистик маълумотлар, шунингдек модернизация-реконструкция ва қурилиш-монтаж ишлари, инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш кўрсаткичлари, давлат харидлари ҳамда электр энергиясини юқори кучланишли подстанция ва электр узатиш тармоқлари орқали транспортировка қилиш ҳажми, шу билан бирга, Жамиятнинг маданий, маънавий-маърифий ҳаёти, ишчи-ходимларга яратилаётган шароитлар, фуқаролар мурожаати, адлия хабарлари ва ҳуқуқий ахборот, бўш иш ўринлари, тендер ва танлов натижалари ҳамда бошқа маълумотларни белгиланган тартибда Жамиятнинг расмий веб-сайти uzbekistonmet.uz ва унинг ижтимоий тармоқдаги саҳифаларига *(Telegram, Facebook, Twitter, Instagram, UTube)* жойлаштириб бормоқда. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/669<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/669<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/668<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/668<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5582<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5584 |
| **10.** | **ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИНИНГ ИШЛАШ ТАРТИБИ ТЎЛИҚ ТИКЛАНДИ / РЕЖИМ РАБОТЫ ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ УЗБЕКИСТАНА ВОССТАНОВЛЕН**<br>Ҳозирги вақтда иссиқлик электр станцияларининг барқарор ишлаш режими тўлиқ тикланган. Жорий йилнинг 5 январь куни Марказий Осиё ягона энергия тизимининг электр узатиш тармоқларидаги носозликларга сабаб бўлган электр энергиясини ишлаб чиқариш жараёнини ўрганиш учун тузилган комиссия ҳодиса сабабини аниқлади.<br>В настоящее время полностью восстановлен рабочий режим тепловых электростанций. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/674<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/674<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/674<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5585<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5586 |

| | | |
|---|---|---|
| **11.** | **«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 2020 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ НАТИЖАДОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**<br>**I. 2020 йилда қайд этилган асосий кўрсаткичлар:**<br>**1.** 2020 йил давомида **53,9 млрд. кВт•соат** электр энергияси узатилиб, режа 101,7 % бажарилди *(ўсиш суръати 106,9 %);*<br>**2.** Технологик сарфлар **239,1 млн. кВт•соатга** камайтиришга эришилди (режа 1759,1 млн. кВт•соат, амалда 1 520,0 млн. кВт•соат);<br>**3.** Инвестиция дастури доирасида жами 95,213 млн. АҚШ доллари ҳисобида маблағлар ўзлаштирилиб, **4 та инвестицион лойиҳалар** бўйича 43,3 млн. долл. иқтисод қилиш ҳисобига режа 78,5 %га бажарилди (режа 121,3 млн. долл.);<br>**4.** 2020 йилда қўшимча **1 542 МВА ўтказувчанлик қуввати** яратилди. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/811<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/811 |
| **12.** | **2020 ЙИЛ САРҲИСОБИ: ЖАМИЯТДА ХАЛҚАРО ШАРТНОМА-КЕЛИШУВЛАРДАН ТАШҚАРИ БАРЧА ҲУЖЖАТЛАР ДАВЛАТ ТИЛИДА ЮРИТИЛИШИГА ЭРИШИЛМОҚДА (№3)**<br>“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчисининг 2020 йил давомида амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботи | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/675<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/675<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-01-10<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5609 |
| **13.** | **“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан 2020 йилда давлат ташқи қарзи ҳисобига амалга оширилган инвестиция лойиҳалари доирасида ўзлаштирилган маблағлар тўғрисида маълумотнома / справка о средствах, полученных АО «Национальные электрические сети узбекистана» в рамках инвестиционных проектов, реализуемых за счет государственного внешнего долга в 2020 году**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПК-4563-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2020–2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 2020 йилда “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан давлат ташқи қарзи маблағлари иштирокида **5 та йирик** инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Ушбу қарорга асосан “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан 2020 йилда давлат ташқи қарзи маблағлари ҳисобидан **43,9 млн.долл.** маблағ ўзлаштириш белгиланган бўлиб режа ***100,21 фоизга*** бажарилди. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/716<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/716<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/716 |
| **14.** | **2020 ЙИЛ САРҲИСОБИ: МАҲАЛЛИЙ ОАВ БИЗ ҲАҚИМИЗДА ЁХУД МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЕТАКЧИ ЭЛЕКТРОН НАШРЛАР «ЎЗБЕКИСТОН МЭТ» АЖ АХБОРОТ ХИЗМАТИ МАЪЛУМОТЛАРИГА ТАЯНИБ ХАБАР БЕРАДИ... (№4)**<br>Ахборот хизмати маълумотларига таяниб https://kun.uz; https://uza.uz; http://darakchi.uz; https://qalampir.uz; https://repost.uz; https://daryo.uz; https://xs.uz; http://jahon.uz; https://teznews.uz; https://yuz.uz веб-сайтларида нашр этилган ахборотлар тўғрисида маълумотнома-ҳисобот | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5610<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/676<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/676 |
| **15.** | **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИДАН**<br>**1.** Давлат улуши бўлган корхоналар сони, келгуси икки йилда камида 3 баробар қисқартирилади.<br>**2** 2021 йилда давлат ва хусусий электр станциялари ҳамда истеъмолчилар ўртасида электр энергияси улгуржи бозорини шакллантириш бошланади.<br>**3** Табиий газ таъминотида монополияни бекор қилинади. Бунда ишлаб чиқарувчи ва импортёрларга биржа орқали табиий газни сотиш, улгуржи истеъмолчилар эса газни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. «Ўзтрансгаз» компанияси эса фақат газни транспортировка қилади. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5701<br>https://president.uz/uz/4048<br>https://president.uz/oz/4048<br>https://president.uz/ru/4048<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/774<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/774 |

| | | |
|---|---|---|
| **16.** | **2020 ЙИЛ САРҲИСОБИ: «ФИЛИАЛИМИЗ ИШЧИ-ХОДИМЛАРИ “ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ...” 5 ТА НОМИНАЦИЯСИ БЎЙИЧА ЭЪТИРОФГА САЗОВОР БЎЛИШДИ!» (№5)**<br>«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти тасарруфидаги «Фарғона магистрал электр тармоқлари» филиали томонидан 2020 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоби | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/680<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/680<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-01-12<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5671 |
| **17.** | **ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИДА ҲАМКАСБЛАРИМИЗНИНГ КАСБИЙ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ**<br>Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги тизимида фаолият юритаётган «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятида қарийб 5 минг нафардан иборат ишчи-ходимлар меҳнат қиладилар. Уларнинг 22,5 % фоиз таркиби хотин-қизлардан иборат бўлса, қолган 77,5 % фоизини эркаклар ташкил этади. Асосан муҳандис, техник ва электр монтёрларидан иборат жамоа таркибида захирадаги зобитлар, ҳарбий хизмат даврида махсус тайёргарликдан ўтган мутахассис кадрлар, байналминал ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган фахрийлар бор. Шунингдек, Жамият таркибида Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати мавжуд бўлиб, унда ҳарбий унвонга эга мутахассислар ҳам хизмат қилади. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/683<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/683<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-01-14-2<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5676 |
| **18.** | **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ (тўлиқ матн) / ПОСЛАНИЕ ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ШАВКАТА МИРЗИЁЕВА ОЛИЙ МАЖЛИСУ (полный текст)**<br>Ассалому алайкум, ҳурматли депутат ва сенаторлар! Азиз юртдошлар! Муҳтарам меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар! / Уважаемые депутаты и сенаторы! Дорогие соотечественники! Уважаемые гости! Дамы и господа! | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/751<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/751<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/1424 |
| **19.** | **ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ АРАФАСИДА АНДИЖОНЛИК ЭНЕРГЕТИКЛАР ЎРТАСИДА СПОРТ МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛДИ**<br>2021 йил 13 январь куни «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти **«Андижон магистал электр тармоқлари» филиали** Ёшлар иттифоқи ҳамда касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари бошчилигида **Ўзбекистон Республикаси Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ишчи-ходимлар ўртасида футбол ва стол теннис бўйича спорт мусобақаси** ташкил қилинди. Спорт тадбирида асосан маъмурият ходимлари, шунингдек хизмат кўрсатиш жараёнида бўлмаган муҳандис-техниклар, чилангар ва монтёрлар, айниқса ёш энергетиклар фаол иштирок этишди. Албатта, спорт тадбиридан кўзланган мақсад — ишчи-ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ҳамда спортга ошноликни тарғиб этишга маълум маънода эришилди, десак хато бўлмайди. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/682<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/682<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-01-14<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5675 |
| **20.** | **2020 ЙИЛ САРҲИСОБИ: ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ «ЎЗБЕКИСТОН МЭТ» АЖ АХБОРОТ ХИЗМАТИ МАЪЛУМОТЛАРИГА ТАЯНИБ ХАБАР БЕРАДИ (№6)**<br>Ахборот хизмати маълумотларига таяниб<br>https://faraj.tj; https://uz.sputniknews.ru;<br>https://rossaprimavera.ru; https://nova24.uz<br>веб-сайтида нашр этилган ахборотлар тўғрисида маълумотнома-ҳисоботнома | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/681<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/681<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/681<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5664 |
| **21.** | **ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ: ТАРИХИ, ИБТИДОИЙ ШАКЛИ, ТАРАҚҚИЁТИ, БУГУНИ (9-маълумот)**<br>Вольтанинг ихтиросидан 2 йил ўтиб (1802) рус олими Василий Петров (1761–1834) «вольта ёйи» — электр ёйини кашф этди. Айнан шу ихтиро электр лампочка тарихини бошлаб берди, десак бўлади.<br>Кейинчалик, рус муҳандислари Павел Яблочков ҳамда Александр Лодигиннинг узоқ тажрибалардан сўнг «Лодигин ва жамоанинг электр ёритиш шериклиги» ташкилотига асос солинади ва 1873 йилда «порловчи лампалар» намойиш этилди. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/679<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/679<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5649 |

| | | |
|---|---|---|
| **22.** | **2020 ЙИЛ САРҲИСОБИ: «ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ SCADA/EMS ТИЗИМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА» (№7) / ИТОГИ 2020 ГОДА: «РАБОТЫ ПО ВНЕДРЕНИЮ СОВРЕМЕННЫХ СИСТЕМ SCADA / EMS В ЭНЕРГЕТИКЕ ПРОДОЛЖАЮТСЯ» (№7)**<br>"ENERGO-IT" филиали 2020 йил давомида филиал зиммасига юклатилган асосий вазифа — «Ўзбекистон МЭТ» АЖ бўлинмалари, "Энергия" координацион диспетчерлик маркази ва Миллий диспетчерлик хизмати учун маъмурий, диспетчерлик ва технологик алоқа, шунингдек телеахборот каналлари узлуксиз ишлашини таъминлади. / В рамках проекта был завершен конкурс на технико-экономические основы проекта (ТИА) и разработка тендерной документации, а также подписан контракт с консалтинговой компанией «EDF-CIST» (Франция). На первом этапе реализации проекта консультант проводит исследования на подстанциях "Келес", "Озодлик" и "Юксак", а также на объектах АО «Ташкентская МЭС» с целью изучения и анализа всех устройств, необходимых при осуществлении дистанционного управления в АО «Национальные электрические сети Узбекистана», АО «Тепловые электростанции», АО «Узбекгидроэнерго», расположенных на существующих объектах. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5681<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/685<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/685<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/685<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5727 |
| **23.** | **ОВУЛ ОҚСОҚОЛЛАРИНИНГ ТАЛАБИГА КЎРА ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕС ДЕПУТАТИ БИЛАН МУҲОКАМАЛАР УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛДИ**<br>«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Д.А.Исақуловнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига хизмат сафари тафсилотлари | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/693<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/693<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-01-21-2<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5739 |
| **24.** | **ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ТАНАСИ ИҚТИСОДИЁТ БЎЛСА, УНИНГ ЖОНИ ВА РУҲИ МАЪНАВИЯТДИР / ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ЕСЛИ ЭКОНОМИКА – ОРГАНИЗМ, ОБЕСПЕЧИВАЮЩИЙ ЖИЗНЕДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ОБЩЕСТВА, ТО ДУХОВНОСТЬ – ЕГО СЕРДЦЕ И ДУША**<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. / Под председательством Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева 19 января состоялось видеоселекторное совещание по вопросам кардинального совершенствования системы духовно-просветительской работы, усиления взаимодействия государственных и общественных организаций в этом процессе. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/692<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/692<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5736<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/754<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/754<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/754 |
| **25.** | **RESULTS OF 2020: LOCAL MEDIA OR LEADING ELECTRONIC PUBLICATIONS OF UZBEKISTAN ANNOUNCE ABOUT US REFERRING TO THE INFORMATION OF THE INFORMATION SERVICE OF JSC "NEG OF UZBEKISTAN" ... (NO. 4)**<br>Reference-report on the information published on the websites based on the information of the Information Service: https://kun.uz; https://uza.uz; http://darakchi.uz; https://qalampir.uz; https://repost.uz; https://daryo.uz; https://xs.uz; http://jahon.uz; https://teznews.uz; https://yuz.uz | http://uzbekistonmet.uz/en/lists/view/676<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5610 |
| **26.** | **ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ: ТАРИХИ, ИБТИДОИЙ ШАКЛИ, ТАРАҚҚИЁТИ, БУГУНИ (10-маълумот)**<br>Уоррен Де ла-Рюнинг тажрибасини Генрих Гебель (1818–1893) исмли германиялик соатсоз уста бирмунча такомиллаштирди.<br>1878 йилда Лодигин тажрибаларидан бехабар инглиз олими Жозеф Сван (1828–1914) шиша колба шаклидаги биринчи лампочкани яратди. Колба ичида электр токига қаршилик қилувчи мослама «кўмир сим» шаклида бўлиб, унинг ёруғлиги жуда кучсиз эди.<br>1879 йилда эса ихтирочи Томас Эдисон (1847–1931) ҳозирда биз билган хўжалик буюмига яқинроқ бўлган лампочкани ихтиро қилди. Унинг ихтиросида Сван тажрибалари асос бўлгани рост, Томас уни янада такомиллаштирди. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/686<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/686<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5697 |

| | | |
|---|---|---|
| 27. | **2020 ЙИЛ САРҲИСОБИ: «СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ҲАМДА ЎЗ ВАҚТИДА ДАМ ОЛИШ — ЖАМОАДА СОҒЛОМ МУҲИТ ВА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИНГ ГАРОВИДИР» (№ 8)**<br>«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти таркибидаги ижтимоий соҳа объектлари: “Нурчи” ва “Азамат” дам олиш масканлари ҳамда “Тошкент тиббий-санитария қисми” ва “Наманган тиббий-санитария қисми” тиббиёт муассасалари ичида «Нурафшон» санаториясининг ўз ўрни бор. Санаторий юртимизнинг энг гўзал ва сўлим масканларидан бири бўлган Фарғона водийсида жойлашган бўлиб, **бальнеологик курорт маскани** ҳисобланади. У Фарғона шаҳридан 32 км масофадаги **Қатрон тоғ тизимида, денгиз сатҳидан 450 метр баландликда**, Олтиариқсой ҳудудида фаолият юритади. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/696<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/696<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5737<br>https://telegra.ph/uzbekistonmet-uz-01-23 |
| 28. | **ЎЗБЕКИСТОН–САУДИЯ АРАБИСТОНИ: ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА / МИНИСТЕРСТВО ЭНЕРГЕТИКИ И КОМПАНИЯ ACWA POWER ПРОХОДЯТ ОСНОВНЫЕ ЭТАПЫ НА ПУТИ НАРАЩИВАНИЯ УЗБЕКИСТАНОМ СВОЕГО ПОТЕНЦИАЛА В ОБЛАСТИ ЭКОЛОГИЧЕСКИ ЧИСТОЙ ЭНЕРГИИ**<br>Бугун, 2021 йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда «ACWA Power» компанияси ўртасидаги ҳамкорлик юзасидан келишув ва меморандумларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Д.А.Исақулов ҳам иштирок этиб, имзоланган инвестиция келишувлари бўйича «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти номидан ишлаб чиқариладиган энергоресурсларнинг ягона харидор сифатида халқаро келишув ҳужжатларини имзолади.<br>Церемония начала строительства проекта Сырдарьинской ТЭС мощностью 1500 МВт была проведена при участии глав делегаций двух стран, после чего были подписаны два СЗЭ и Инвестиционные соглашения по двум ветроэлектростанциям, расположенным в Бухарской и Навоийской областях. В церемонии также участвовали высокопоставленные должностные лица Министерства энергетики Узбекистана, Министерства инвестиций и внешней торговли и компании ACWA Power. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/697<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/697<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/697<br>https://telegra.ph/uzbekistonmet-uz-01-24<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5741 |
| 29. | **2020 ЙИЛ САРҲИСОБИ: ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИ** uzbekistonmet.uz **САЙТИНИНГ ВИДЕОЖАМЛАНМАСИДА (№9)**<br>**ИНТЕРВЬЮ–24** \| Адиблар хиёбони — маънавият маскани;<br>**ДИЁР ЯНГИЛИКЛАРИ** \| «Сардоба» сув омбори тошқинидан зарар кўрган аҳоли вакиллари хайрия карвони юборган ташкилотларга миннатдорлик билдиришди;<br>**СТУДИЯ–24** \| Пандемия даврида халқимизнинг саломатлик дея аталувчи «хазина»сини турли офат ва балолардан асраш, аввало, ўз қўлимизда. Ориф Тўхташ — Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир билан суҳбат;<br>**ИНТЕРВЬЮ–24** \| Тил — Қуёш, Адабиёт — Нур;<br>**ИНТЕРВЬЮ–24** \| Ориф Тўхташ — Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир билан суҳбат | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/701<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/701<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5776 |
| 30. | **SHAVKAT MIRZIYOYEV: ECONOMY IS ORGANISM ENSURING THE LIFE OF SOCIETY, WHILE ETHICAL ENLIGHTENMENT IS ITS SOUL**<br>During Shavkat Mirziyoyev’s recent Address to the Oliy Majlis, at the first Youth Forum of Uzbekistan and the expanded format session of the Security Council, pressing tasks in the field of ethical enlightenment were formulated, since scores of issues await solution in the sphere. Some do not fully understand the essence of the national idea, treat it superficially, mistakenly identifying it with the old ideology. In this regard, the President outlined the pivot of our country’s ideology: “The ideology of the new Uzbekistan we are building will be kindness, compassion, humanism. When we talk about ideology, we mean, first of all, nurturing of reason, fostering of national and universal values. They are built on millennia-old life principles and ideas and values of our people,” the head of state insisted. | https://president.uz/en/lists/view/4089<br>http://uzbekistonmet.uz/en/lists/view/691<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/691<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/691<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/691 |

| | | |
|---|---|---|
| **31.** | **ЮКСАК ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИ**<br>Ушбу тадбир давомида ҳам Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони томонидан илгари сурилган ғоялар, фикр ва мулоҳазаларнинг мазмун-моҳияти ҳар галгидек ёш авлод таълим-тарбиясига туташиб кетди. Зеро “Ёшларни қўллаб-кувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” аввалида туриб қилинаётган режалар ҳар биримизнинг зиммамизга масъулият юклайди. Шубҳа йўққи, навқирон ёшлар мана шу Ватан, шу муқаддас тупроқнинг эртанги Эгалари! Демак, эртамиз эгаларини ўз қалбидаги мурғак **Эгалик ҳисси** билан биргаликда камол топтирмоғимиз керак! Уларга албатта ушбу сўзларни уқтирайлик: **“Мана шу юрт – сеники! Янги Ўзбекистонни сен яратасан!** | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/703<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/703<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5774 |
| **32.** | **ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ МАВЖУД СТАНДАРТЛАР ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА**<br>Энергетика вазирлиги бошчилигида ишлаб чиқарувчилар, эксплуатация қилувчи корхоналар ҳамда лойиҳа институтларининг етакчи мутахассисларини жалб қилган ҳолда 4 та ишчи гуруҳ ташкил этилиб, юқори кучланишли электр узатиш тармоқлари, подстанциялар, реле ҳимояси ва маълумотлар алмашинуви ҳамда электромагнит мослашувчанлик йўналишидаги 700 дан ортиқ стандартлар кўриб чиқилди. / Стандарты в области электроэнергетики, действующие в Узбекистане, поэтапно пересматриваются на основе международных стандартов. / In accordance with the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “Strategy of further development and reform of the electricity sector in the Republic of Uzbekistan” dated March 27, 2019 №-4249, the French company “Assystem Engineering and Operation Services S.A.S.” and project institute “Uzassystem” were established. | https://t.me/minenergy_uz/2731<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5758<br>http://minenergy.uz/uz/news/view/1075<br>http://minenergy.uz/ru/news/view/1075<br>http://minenergy.uz/en/news/view/1075<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/699<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/699<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/699<br>http://uzbekistonmet.uz/en/lists/view/699 |
| **33.** | **2020 ЙИЛ САРҲИСОБИ: «ЎЗБЕКИСТОН МЭТ» АЖ ФАОЛИЯТИГА ТААЛЛУҚЛИ МАСАЛАЛАР РАДИО, ТЕЛЕВИДЕНИЕ ҲАМДА UZBEKISTONMET.UZ ВЕБ-САЙТИНИНГ UTUBE.UZ САҲИФАЛАРИДА (№10)**<br>uzbekistonmet.uz веб-сайтининг utube.uz саҳифаларида:<br>«ЎЗБЕКИСТОН–24» РАДИОКАНАЛИДА;<br>«ЎЗБЕКИСТОН–24» ТЕЛЕКАНАЛИДА;<br>«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИДА;<br>«ҚАРАҚАЛПАҒИСТАН–МТРК» ТЕЛЕКАНАЛИДА;<br>«АНДИЖОН–МТРК» ТЕЛЕКАНАЛИДА;<br>«СИРДАРЁ–МТРК» ТЕЛЕКАНАЛИДА;<br>«БУХОРО–МТРК» ТЕЛЕКАНАЛИДА. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/702<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/702<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/702<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5770<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5771 |
| **34.** | **ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИДАГИ УЗИЛИШЛАР: ОДДИЙ НОСОЗЛИКДАН ОҒИР ОҚИБАТЛИ ФОЖИАЛАРГАЧА**<br>Жиззахдаги ҳолат юридик шахслар фаолияти ва турдош ташкилотлар мутахассисларининг ўз ишига совуққонлиги оқибатида рўй берган бўлса, Тошкент вилоятидаги ҳолат фуқароларнинг эътиборсизлиги оқибатида содир бўлган, дейиш мумкин.<br>Хуллас, **2021 йил 21 январь куни соат 09:37 да** Тошкент вилояти, Пискент тумани, Гулистон МФЙда яшовчи фуқаро Н.М.нинг нотўғри ва ноқонуний хатти-ҳаракати оқибатида юқори кучланишли электр тармоғида носозлик келиб чиққан...<br>Аниқроғи, фуқаро «Тошкент магистрал электр тармоқлари» филиали балансида бўлган 500 кВ кучланишли Л-502-ҳаво тармоғининг 148–149-сонли таянчлари оралиғидаги электр узатгичнинг муҳофаза ҳудудида жинғир дарахтини ёққани туфайли электр узатиш ҳаво тармоғида носозлик рўй бериб, тармоқ орқали электр энергияси билан таъминланадиган ҳудудда маълум муддат узилишлар содир бўлган. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/698<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/698<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5757<br>https://telegra.ph/uzbekistonmet-uz-01-25<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6038<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6125<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/700<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/700 |

| | | |
|---|---|---|
| **35.** | **“ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ” АЖ БОШҚАРУВИДА ЎЗГАРИШ ЮЗ БЕРДИ / ПРОИЗОШЛА СМЕНА РУКОВОДСТВА АО «ТЕПЛОВЫЕ ЭЛЕКТРИЧЕСКИЕ СТАНЦИИ» / CHANGE OF THE MANAGEMENT OF THE JOINT STOCK COMPANY "THERMAL POWER PLANTS"**<br>Фарҳод Абдураҳмонов ўз фаолиятини 2004 йилда “Фарғона иссиқлик электр маркази” акциядорлик жамиятида бошлаган, у ушбу корхонада турли лавозимларда ишлаган, 2015 йилдан буён акциядорлик жамиятининг бош директори лавозимида фаолият юритиб келаётган эди. Шунингдек, Абдуҳамид Тўраббоевич Жўраев “Иссиқлик электр станциялари” АЖ бошқарув раисининг Иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари этиб тайинланди. / На совещании Абдурахманов Фархад Мамурович назначен председателем Правления АО «Тепловые электрические станции». Фарход Абдурахманов начал свою деятельность в 2004 году в акционерном обществе «Ферганская теплоэлектроцентраль», занимал различные должности на этом предприятии, с 2015 года занимал должность генерального директора акционерного общества. Также заместителем председателя Правления АО «Тепловые электрические станции» по экономическим вопросам назначен Джураев Абдухамид Тураббаевич. / Under the chairmanship of the Minister of Energy of the Republic of Uzbekistan Alisher Sultanov, an extended meeting was held at the Thermal Power Plants JSC. Farkhod Abdurakhmanov began his activity in 2004 in the Fergana Thermal Power Plant Joint-Stock Company, held various positions at this enterprise, and since 2015 served as the General Director of the Joint-Stock Company. Also, Abdukhamid Turabbaevich Juraev was appointed Deputy Chairman of the Management Board of Thermal Power Plants JSC for economic issues. | https://t.me/minenergy_uz/2747<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/775<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/775<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/775<br>http://uzbekistonmet.uz/en/lists/view/775<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5779 |
| **36.** | **ОАВ: «ХАЛҚҚА КЕРАГИЧА ЭНЕРГИЯ БЕРИНГЛАР, ҚАРЗ ДАФТАРГА ЁЗИШАЁТГАНИ ЙЎҚ, ХАЛҚ ПУЛИГА СОТИБ ОЛЯПТИ»**<br>Тезкор маълумотларга кўра, Ўзбекистон электр энергиясидан умумий қарздорлик 3,5 триллион сўмни ташкил қилмоқда, ундан аҳолининг қарздорлиги эса 2,4 триллион сўмдан зиёдни ташкил этмоқда. «Қашқадарё электр тармоқлари корхонаси» АЖнинг (*шартли равишда Қашқадарё вилояти истеъмолчиларининг*) 2021 йил 1 январь ҳолатига истеъмол қилинган электр энергиясидан қарздорлиги 341 миллиард 863 миллион 100 минг сўмни ташкил этмоқда.<br>Ушбу қарздорлик таркибида 2020 йил давомида йирик ўсиш ҳолати рўй берган, яъни 2020 йил 1 январь ҳолатидаги қарздорликка йил давомида яна 187 миллиард 952 миллион сўм қарздорлик қўшилган. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/722<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/722<br>http://minenergy.uz/uz/news/view/926<br>http://minenergy.uz/uz/news/view/913<br>https://kun.uz/52970312 |
| **37.** | **ЎЗБЕКИСТОН ВА АФҒОНИСТОН ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРМОҚДА / УЗБЕКИСТАН И АФГАНИСТАН РАЗВИВАЮТ ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО**<br>2021 йилнинг 1 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазири Алишер Султонов Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Муҳаммад Шокир Коргар билан музокаралар ўтказди. Афғонистон томони ўз ҳудудида 500 кВ кучланишли Сурхон-Пули-Хумри электр узатиш тармоғини қуриш лойиҳаси доирасида иш олиб бориш учун барча зарур чораларни кўришини таъкидлади. Ушбу лойиҳани амалга ошириш мамлакат раҳбариятининг алоҳида назоратида эканлиги таъкидланди. | https://t.me/minenergy_uz/2774<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5854<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/711<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/711<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/711 |
| **38.** | **МАҲАЛЛИЙ ОАВ — ЭЛЕКТРОН НАШРЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АЙРИМ ХАБАРЛАРГА ЖАВОБАН “ЎЗБЕКИСТОН МЭТ” АЖ АХБОРОТ ХИЗМАТИ МИЛЛИЙ ДИСПЕТЧЕРЛИК МАРКАЗИ МАЪЛУМОТЛАРИГА ТАЯНИБ ХАБАР БЕРАДИ:**<br>Жорий режимларда “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан электр станциялари томонидан ёқилғи ва гидроресурсларнинг мавжуд ҳажмларидан келиб чиқиб ишлаб чиқарилаётган суткалик (ўртача) 212,9 млн. кВт•соат электр энергияси “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ балансидаги паст кучланишли тармоқларгача (мансублик чегарасигача), фавқулодда вазиятлардан ташқари ҳолатларда, узлуксиз етказиб берилмоқда. Шу жумладан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси юқори кучланишли электр тармоқлари ва подстанциялар | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5785<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/704<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/704<br>https://t.me/kunuzQashqadaryo/2483<br>https://daryo.uz/k/2021/01/28/qashqadaryoning-ayrim-hududlaridagi-aholi-18-soatlab-elektr-tokisiz-qolayotgani-malum-qilindi/ |

| | | |
|---|---|---|
| 39. | орқали “Қашқадарё ҲЭТК” АЖ га суткасига 18,0 млн. кВт•соат ҳажмда узатиб берилмоқда.<br>Бундан ташқари, Республика истеъмолчиларини электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қоплаш мақсадида “Ўзбекистон МЭТ” АЖ томонидан қўшни энергетика тизимларидан суткасига 25,4 млн. кВт•соат электр энергияси импорти амалга оширилмоқда. Энергетика тизимида 21–22 январь кунлари кучли шамол билан ёққан қор оқибатида электр истеъмолчилари, шу жумладан Қашқадарё вилояти истеъмолчилари таъминотида ҳам узилишлар содир бўлди. Ҳозирги кунда фавқулодда вазият туфайли содир бўлган, “Ўзбекистон МЭТ” АЖга тегишли юқори кучланишли тармоқлар бўйича барча узилишлар бартараф этилган. | https://effect.uz/k/2021/01/28/qashqadaryoning-ayrim-hududlarida-18-soatlab-svet-chyapti.html |
| 39. | **ТОЖИКИСТОНДАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ МАВСУМИЙ ИМПОРТ АМАЛИЁТИ ШАРТНОМАДА БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАР ИЧИДА ТЎХТАТИЛГАН ЭДИ / СЕЗОННЫЙ ИМПОРТ ЭЛЕКТРОЭНЕРГИИ ИЗ ТАДЖИКИСТАНА БЫЛ ПРИОСТАНОВЛЕН В СРОК, УКАЗАННЫЙ В СОГЛАШЕНИИ**<br>**Официальное обращение:** Согласно договору между АО «НЭС Узбекистана» и компанией «Барки Точик», в соответствии с узбекско-таджикскими межправительственными соглашениями, контракт был подписан на май-сентябрь 2020 года и предназначался только для летнего периода вегетации (орошения). Сообщаем о том, что прошло несколько месяцев с момента приостановки сезонного импорта электроэнергии из Таджикистана в Узбекистан, который был приостановлен в соответствии с условиями соглашения.<br>**Расмий муносабат:** Ўзбекистон–Тожикистон ҳукуматлараро келишувларга мувофиқ «Ўзбекистон МЭТ» АЖ ва «Барки Точик» компанияси ўртасида имзоланган шартнома 2020 йилнинг май-сентябрь ойлари учун тузилган бўлиб, фақат ёзги суғориш даври учун мўлжаллланганди. Айни пайтда Тожикистондан Ўзбекистонга электр энергиясининг мавсумий импорт амалиёти тўхтатилганига бир неча ой муддат ўтди ва мазкур амалиёт шартномада белгиланган муддатлар ичида тўхтатилган эди. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5855<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/710<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/710<br>http://protoday.uz/uz/37360<br>https://t.me/protodayuz/134562 |
| 40. | **2020 ЙИЛ САРҲИСОБИ: «МУНОСИБ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ ОРҚАЛИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ САРИ» (№11)**<br>«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти Бирлашган касаба уюшма қўмитаси ўз тасарруфига **22 та бошланғич касаба уюшма ташкилотларини** бирлаштирган бўлиб, жами **4687 нафар** касаба уюшма аъзолари, шу жумладан **993 нафар аёллар** ва **792 нафар ёшлардан** иборат жамоанинг меҳнат, дам олиш ва бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бел боғлаган.<br>Жамиятнинг uzbekistonmet.uz веб-сайтида **«Касаба уюшмаси» номли нимрукн** ташкил этилган бўлиб, унда Ахборот хизмати томонидан жамоат ташкилотининг фаолиятига доир хабар ва янгиликлар кенг жамоатчилик эътиборига тақдим этиб борилади. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5857<br>https://telegra.ph/uzbekistonmet-uz-02-02<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/712<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/712 |
| 41. | **«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АСОСАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ЮҚОРИ КУЧЛАНИШЛИ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ОРҚАЛИ УЗАТИШ (ТРАНСПОРТИРОВКА) БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИ**<br>Ўзбекистон электр энергетика тармоғига асосан 4 та ташкилот масъул бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Президент қарорлари ҳамда Ҳукумат топшириқлари ижроси назорат қилувчи ва тармоқда истиқболдаги режалар стратегиясини белгиловчи — мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.<br>«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ўз фаолият мажбуриятларига кўра истеъмолчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар имзоламагани, яъни жисмоний ҳамда истеъмолчи юридик шахслар билан ҳисобдорлик юритмагани боис Ахборот хизматининг филиал бўлимларини очиш, мутахассисларни жалб этиш, уларнинг ўз веб-сайти ва ижтимоий тармоқдаги саҳифаларини юритиш каби амалиётлар, Давлат активларини бошқариш агентлиги — Жамият Ягона акциядорнинг кўрсатмаларига биноан иқтисодий-ташкилий таркибга кўра (http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/78) назарда тутилмагани боис, айни пайтда филиаллар ҳузурида Ахборот хизматлари ташкил этилмаган. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5802<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/705<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/705<br>https://t.me/kunuzQashqadaryo/2492<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/597 |

| | | |
|---|---|---|
| **42.** | **29 ЯНВАРЬ КУНИ “ENERGO-IT” ФИЛИАЛИ ХОДИМЛАРИ ИШТИРОКИДА “ДАВЛАТ ТИЛИДА ИШ ЮРИТИШ АСОСЛАРИ” ФАНИ БЎЙИЧА МАҲОРАТ ДАРСИ МАШҒУЛОТЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ**<br>*“Ўзбекистон МЭТ” АЖ маъмуриятининг кўрсатмаларига биноан ишчи-ходимлар давлат тилида иш юритиш амалиётининг назарий ва амалий билим-кўникма ҳамда маҳоратини ошириш бориши, бу борада турли семинар ва малака ошириш курслари ташкил этиш белгиланган.* Шу мақсадда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетити ҳузуридаги “Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази” битирувчиси, ИЧТБ бўлими ходими Гулхумор Қўчқорова ўқув курсида ўзлаштирган билим-тажрибаларини ҳамкасблари билан ўртоқлашди. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5813<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/708<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/708 |
| **43.** | **ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ: ТАРИХИ, ТАРАҚҚИЁТИ, БУГУНИ (11-маълумот)**<br> 1820 йилда даниялик физик Эрстед электр занжирини қўшиш ва ажратиш пайтида компас кўрсаткичи тебранишини аниқлайди. 1821 йилда француз физиги Ампер электр ва магнетизм ўртасидаги боғлиқлик фақат электр токида кузатилиб, статик электр ҳолатида йўқлигини ўрганади.<br> Сўнгра бу ихтиролар Жоул, Ленц ва Ом асарларида акс этади. 1830 йилда эса Гаусс электростатик майдон назариясининг асосий теоремасини эълон қилади. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5841<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/707<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/707 |
| **44.** | **ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ ЁШ МУҲАНДИС НИГОҲИДА**<br>Ёдингизда бўлса, 2020 йилнинг 25 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ёшлари форуми ўтказилган бўлиб, унда Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев ҳам иштирок этган эди. Форумда келажак эгалари — ёшлар билан очиқ мулоқот ўтказилиб, давлат раҳбари томонидан уларнинг ўй-фикрлари, орзу-истаклари тингланган эди. Энг асосийси, ёш авлод билан бундай учрашувлар Президент учун ғайрат-шижоат бағишлаши, ёшлар мамлакатнинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси экани таъкидланганди.<br>Жамият uzbekistonmet.uz веб-сайти **«Ёшлар сиёсати» рукнининг бугунги меҳмони** Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилоти аъзоси — хорижда ўқиб келиб, ўзининг назарий билимларини амалиётга татбиқ этиш орқали Ўзбекистон тараққиётига кичик бўлса-да ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлаган ёш кадр, айни пайтда «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятида меҳнат фаолияти бошлаган муҳандис **Иззатжон Асадов Қобул ўғли...** | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5867<br>https://telegra.ph/uzbekistonmet-uz-02-04<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/719<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/719 |
| **45.** | **МУНОСИБ ЭҲТИРОМ — *Ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги олдидан***<br>Ёдингизда бўлса, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 19 октябрда «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Она диёримизнинг ўтмишда ҳам, бугунги кунда ҳам чин маънода фахрига айланган буюк сиймо Амир Низомиддин Алишербек ҳақида сўз юритганда, ўзларининг таъбири билан айтганда, одамларнинг нақшидир деб таърифласак, айни ҳақиқат. Миллатимиз тарихида, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таъбири билан айтганда, Навоийдек беназир шахсни топиш мушкул. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5871<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/721<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/721 |
| **46.** | **2020 ЙИЛ САРҲИСОБИ: «САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАРАКАТИДАМИЗ» (№12)**<br>Филиалда ўтган 2020 йил давомида электртармоқ хўжалиги объектлари, яъни 500 кВ ли «Ғузор», 220 кВли «Қарши», «Пачкамар», «ШГХК», «Муборак», «Муборак-2», «Косон», «Кўкдумалоқ», «Талимаржон НС-7» ва Туркманистон Республикаси ҳудудида жойлашган НС-1, НС-2, НС-3, НС-4, НС-5, НС-6 подстанциялари умумий узунлиги 1698,524 километрни ташкил этган 110–500 кВли электр узатиш линияларига техник хизмат кўрсатилган ҳолда кенг кўламли ишлар амалга оширилди.<br>Жумладан: 2020 йил мобайнида филиал тармоқлари орқали 5546618,219 минг кВт•соат электр энергияси **“Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари корхонаси”АЖга** етказиб берилди. Электр энергиясини узатиш жараёнидаги технологик сарф **173407,433 минг кВт•соатни** ёки **1.49 %** ташкил қилди. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5874<br>https://telegra.ph/uzbekistonmet-uz-02-05<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/723<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/723 |

| | | |
|---|---|---|
| **47.** | **МИЛЛИЙ ДИСПЕТЧЕРЛИК МАРКАЗИДА НАВБАТДАГИ ОЙЛИК ТЕХНИК-ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ**<br>Миллий диспетчерлик марказида ўтказилган навбатдаги машғулот қуйидаги мавзуларга бағишланди: 1. Энергетика тизимининг ўтган йил якунлари; 2. Жорий йил январь ойида юз берган фавқулодда ҳолатлар таҳлили; 3. Электр энергияси истеъмоли ортиши туфайли энергетика тизимида ҳосил бўлаётган муаммоли нуқталар шарҳи; 4. НКМКнинг айрим подстанциялари ва тармоқларини “Ўзбекистон МЭТ” балансига ўтиши билан боғлиқ оператив бўйсинув ва НКМК оператив ходимлари билан ўзаро муносабатларни белгиловчи меъёрий ҳужжатлардаги ўзгаришлар; 5. Ички тартиб-интизом ва ўзбек тилида иш юритишга доир масалалар. Кун тартибининг биринчи ва иккинчи масалалари юзасидан Миллий диспетчерлик маркази бошлиғи М.Бобоев, учинчи масала бўйича МДМ етакчи муҳандиси И.Муҳамадалиевлар маъруза қилишди ва диспетчерлик ҳамда режим гуруҳи ходимларининг саволларига жавоб беришди. Йиғилиш иштирокчилари кўриб чиқилган фавқулодда вазиятларни олдини олиш юзасидан ўз таклифларини билдиришди | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5886<br>https://telegra.ph/uzbekistonmet-uz-02-08<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/725<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/725 |
| **48.** | **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ ТАШАББУСИ БИЛАН 2021 ЙИЛ 12–14 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИМЁН ҚИШЛОҒИДА «ЧИМЁН-ЭХО-2021» ҲАМДА «ЧИМГАН ЭКСТРИМ-2021» ҚИШКИ ЭКСТРЕМАЛЬ СПОРТ ТУРЛАРИ ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ**<br>Спорт тадбирида мамлакатимиздаги вазирликлар, давлат идора ва ташкилотларининг 150 нафардан зиёд «спорт тарғиботчи»лари, шунингдек 20 нафардан ортиқ оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Фестиваль доирасида спорт мусобақалари ҳамда ўқув семинарлар ташкил этилди. Ушбу спорт тадбирида «Ўзбекистон МЭТ» АЖ спорт тарғиботчиси Одилжон Воҳидов ҳам иштирок этиб, Энергетика, Инвестициялар ва ташқи савдо ҳамда Қурилиш вазирликлари, АТБ «Ипотека банк, «Спорт» телеканали тарғиботчиларидан иборат жамоа билан баскетбол мусобақаларида фахрли 2-ўринни эгаллади. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5934<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/735<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/735 |
| **49.** | **СИРДАРЁЛИК ЁШ МУҲАНДИСЛАР ВИЛОЯТ МАЪМУРИЙ МАРКАЗИДАГИ ТАДБИРЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШДИ**<br>Тадбир қатнашчилари Алишер Навоий қаламига мансуб шеърлар, ғазаллар, байтларидан намуналар ўқидилар. Маданий-маърифий тадбирнинг бадиий қисми вилоят мусиқали драма театрида давом эттирилди. Унда Олим Хўжаев номидаги вилоят драма театри актёрлари ижросида саҳналаштирилган театр томошалари қўйилди.<br>Бундай тадбирлар вилоятнинг чекка-чекка нуқталарида ҳам, мактабгача тарбия муассасаларида, умумтаълим мактабларида, ташкилот ва корхоналарида, шу жумладан «Сирдарё магистрал электр тармоқлари» филиалида ҳам давом этмоқда. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5895<br>https://telegra.ph/uzbekistonmet-uz-02-09<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/727<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/727 |
| **99.** | **ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНА УЧТА ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛАДИ / В УЗБЕКИСТАНЕ ПОСТРОЯТ ЕЩЕ ТРИ ЭЛЕКТРОСТАНЦИИ**<br>Президентнинг 4.03.2021 йилдаги «Тошкент вилоятида қуввати 240 МВт бўлган буғ-газ электр станцияси ва қуввати 230 МВт бўлган газ-поршенли электр станциясини қуриш» ҳамда «Бухоро вилоятида қуввати 270 МВт бўлган газ-поршенли электр станциясини қуриш» инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги **ПҚ-5018**-сон қарори қабул қилинди. Ҳужжат билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги 2021 йил 20 январда «Aksa Enerji Üretim A.Ş.» (Туркия Республикаси) компанияси (кейинги ўринларда – Инвестор) ҳамда қуйидаги лойиҳа компаниялари билан имзоланган инвестиция битимлари тасдиқланди/ / проектные компании принимают обязательство гарантированной продажи произведенной электрической энергии единому покупателю в лице АО «Национальные электрические сети Узбекистана» / АО «Национальные электрические сети Узбекистана» принимает обязательство гарантированной закупки электрической энергии и осуществления оплаты за электрическую энергию в национальной валюте в течение 25 лет. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/818<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/818<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/818<br>https://www.norma.uz/novoe_v_zakonodatelstve/v_uzbekistane_postroyat_eshche_tri_elektrostanci<br>i |
| **100.** | **ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ ИЖРОСИ: uzbekistonmet.uz — ЖАМИЯТНИНГ ОЧИҚЛИГИ ВА ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА**<br>Жамиятнинг uzbekistonmet.uz веб-сайти ва унинг ижтимоий тармоқдаги саҳифалари (*Telegram, Facebook, Twitter, Instagram, UTube*) орқали Жамият фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган **таҳлилий мақолалар, расмий баёнотлар**, ўтказилган матбуот анжуманлари ва брифингларда сўралган **саволларга жавоблар**, Жамият раҳбарларининг **интервьюлари**, хизмат сафари ва хорижий ҳамкорлар билан ўтказилган учрашув тафсилотлари, шунингдек, **харидлар** ҳамда **тендерлар** ҳақидаги эълонлар, асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, **бўш иш ўринлари**, молия ва бухгалтерия ҳамда **Акциядорларнинг умумий йиғилишларига оид** маълумотлар ҳисобот жадваллари шаклидаги иловалар орқали кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилмоқда. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/814<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/814<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/813<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/813 |
| **101.** | **ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ТЕНДЕРОЛДИ УЧРАШУВИДА 100 ДАН ОРТИҚ КОМПАНИЯ ҚАТНАШДИ / БОЛЕЕ 100 УЧАСТНИКОВ ПРИНЯЛИ УЧАСТИЕ В ПРЕДТЕНДЕРНОЙ ВСТРЕЧЕ В РАМКАХ ИНВЕСТИЦИОННОГО ПРОЕКТА**<br>Жорий йил 9 ва 11 март кунлари «500/220 кВли «Мурунтов» подстанциясини қуриш ва иккита 3х167 МВАлик автотрансформаторларини ўрнатиш» ҳамда «Навоий иссиқлик электр станциясидан 220 кВли «Бесопан» ўчириб-ёқиш пунктигача 177 км узунликдаги 220 кВли электр узатиш тармоғини 500 кВли габаритда қуриш» инвестиция лойиҳалари доирасида эълон қилинган тендер савдолари бўйича тендер иштирокчиларнинг саволларига тушунтиришлар бериш учун **“GOPA — International Energy Consultants GmbH” консультант компанияси** ва “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти Инвестициаларни жалб қилиш ва инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бошқармаси мутахассислари томонидан **видеоконференцалоқа шаклида тендеролди мулоқоти** ташкил этилди. / В ходе встречи приняло участие более 100 потенциальных участников из различных стран с целью получения разъяснений по объявленному тендеру в рамках вышеуказанного проекта. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/815<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/815<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/815 |

| | | |
|---|---|---|
| 102. | **АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ЎЗ ВАҚТИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН МОНИТОРИНГ ЮРИТАДИ**<br>Киритилган қўшимчаларга мувофиқ, **Адлия вазирлиги** оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва ташкилотларининг қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш борасидаги фаолиятини **“Президент қарорлари – ҳаётда ва назоратда”** рукни остида ёритиш ва муҳокама қилиш ишларини ташкил этади. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/821<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/821 |
| 103. | **«ЎЗБЕКИСТОН МЭТ» АЖ: РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРЛИГИ ТАСАРРУФИДАГИ ПЕТЕРБУРГ ЭНЕРГЕТИКА МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ РЕКТОРИ ИШТИРОКИДА КЕЛИШУВ ИМЗОЛАНАДИ / АО «НЭС УЗБЕКИСТАНА»: БУДЕТ ПОДПИСАНО СОГЛАШЕНИЕ О СОТРУДНИЧЕСТВЕ С УЧАСТИЕМ РЕКТОРА САНКТ-ПЕТЕРБУРГСКОГО ЭНЕРГЕТИЧЕСКОГО ИНСТИТУТА ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ КАДРОВ МИНИСТЕРСТВА ЭНЕРГЕТИКИ РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ**<br>Бугун, 15 март куни Россия Федерацияси Энергетика вазирлиги тасарруфидаги Петербург энергетика малака ошириш институти ректори, профессор Александр Николаевич Назаричёв «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ билан малака ошириш ишлари бўйича ҳамкорлик меморандумини имзолаш мақсадида Тошкентга келди. / Сегодня, 15 марта, ректор Санкт-Петербургского энергетического института повышения квалификации при Министерстве энергетики Российской Федерации — профессор Александр Николаевич Назаричев прибыл в Ташкент для подписания меморандума о сотрудничестве с АО «Национальные электрические сети Узбекистана». | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6197<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/825<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/825 |
| 104. | **ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР**<br>Бугун Энергетика вазирлиги тизимидаги барча ташкилотлар каби «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти тасарруфидаги барча филиал ва бўлинмаларда ҳам умумхалқ ҳашари қизғин паллада. Офис хоналаридан тортиб юқори кучланишли подстанцияларгача, ёрдамчи бинолару автотурарғоҳлар, ижтимоий соҳа объектлари, омборхоналарда ҳашар ўтказилмоқда. Бетон тўсиқларга оҳак суртилиб, темир жиҳозларга бўёқ тортилмоқда. Жамият тасарруфидаги ер майдонлари борки, барчасига манзарали дарахтлар экилиб, гул кўчатлари ўтқазиш учун экин қаторлари тайёрлаб қўйилди. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6178<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-03-13<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/819<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/819 |
| 105. | **ПЕТЕРБУРГ ЭНЕРГЕТИКА МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ БИЛАН УЧ БОСҚИЧЛИ ЙЎНАЛИШДА ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА**<br>Яқинда Россия Федерацияси Энергетика вазирлиги тасарруфидаги Петербург энергетика малака ошириш институти ректори, профессор Александр Назаричёв «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ билан малака ошириш ишлари бўйича ҳамкорлик меморандумини имзолаш мақсадида Тошкентга келган эди. Бугун «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Д.А.Исақулов ва Россия Федерацияси Энергетика вазирлиги тасарруфидаги Петербург энергетика малака ошириш институти ректори, профессор А.Н.Назаричёв ўртасида Магистраль электр тармоқлари филиаллари муҳандис-техник ходимларининг малакасини ошириш бўйича ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди. Бу ҳақда «Ўзбекистон МЕТ» АЖ Ахборот хизмати хабар берди. | https://xs.uz/uzkr/52307<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/840<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/840 |
| 106. | **МУҲТАРАМ ЮРТБОШИМИЗ ТАШАББУСИ БИЛАН БАРЧА СОҲАЛАРГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР ЖОРИЙ ҚИЛИНМОҚДА**<br>Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан барча соҳаларга янгича ёндашувлар жорий қилинмоқда. Хусусан, жойларда "маҳаллабай" ишлаш тизими ташкил этилиб, Наврўз байрами олдидан юртимизнинг барча ҳудудларини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги тизимларига бириктирилган Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида "Ўзбекистон МЭТ" АЖ ишчи-ходимлари, хусусан «Катта-Қўйлиқ» маҳалласида «Тошкент магистрал электр тармоқлари» филиали ходимларининг бир гуруҳ ходимлари иштирокида ҳашар тадбири давом эттирилмоқда. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6183<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/820<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/820 |

| | | |
|---|---|---|
| **107.** | **ЖАҲОНГИР ОБИДЖОНОВ — АСКУЭДАН ШИКОЯТЛАР ВА ТИЗИМ ҚАЧОН ТЎЛА ИШГА ТУШИШИ ҲАҚИДА**<br>– Ҳисобида пул тугаган истеъмолчилар автоматик тармоқдан узиб қўйилмоқда ва ёқиш учун пул тўланганида, автоматик равишда тармоққа қайта уланмаётгани ҳақида ҳамон шикоятлар етарлича. Бу муаммо қачон тўлиқ ечим топади?<br>– Бу савол истеъмолчилар томонидан жуда кўп берилябти. Қисқача қилиб айтганда, бугунги кунда бутун республика бўйича 6 миллион 90 мингтага яқин ҳисоблагич ўрнатилди. Бу – қарийб 82 фоиз истеъмолчи қамраб олинди дегани. Режага асосан, мамлакатда жами 7 миллион 400 мингтага яқин ҳисоблагич ўрнатишимиз керак. Ҳозиргача ўрнатилган ҳисоблагичларнинг 3 миллион 600 мингтадан ортиғи биллинг тизимига уланган. Яъни шунча ҳисоблагични ўчириб-ёқиш имкониятимиз бор. | https://kun.uz/news/2021/03/13/jahongir-obidjonov-askuedan-shikoyatlar-va-tizim-qachon-tola-ishga-tushishi-haqida<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6179<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/822<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/822 |
| **108.** | **“ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН МАЪҚУЛЛАНДИ**<br>Олий Мажлис Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама қилинди. Мазкур Қонуннинг мақсади давлат харидлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган очиқ ва шаффоф, самарали ва яхлит тизимни яратишдан иборатдир. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6184<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/823<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/823 |
| **109.** | **МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ФИЛИАЛЛАРИ МУҲАНДИС-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ**<br>Бугун, 17 март куни **«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти** бошқаруви раиси Д.А.Исақулов ва Россия Федерацияси Энергетика вазирлиги тасарруфидаги **Санкт-Петербург энергетика малака ошириш институти** ректори, профессор А.Н.Назаричёв ўртасида Магистрал электр тармоқлари филиаллари муҳандис-техник ходимларининг малакасини ошириш бўйича Ҳамкорлик меморандуми имзоланди. «Ўзбекистон МЭТ» АЖ ҳамда Санкт-Петербург энергетика малака ошириш институтининг ҳамкорлиги уч босқичли йўналишда давом эттирилади. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6241<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/839<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/839 |
| **110.** | **ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРИ СТИПЕНДИЯСИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ**<br>нергетика вазири стипендияси 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, “ММФИ” Миллий тадқиқот ядро университети ва “МЭИ” Миллий тадқиқот университетларининг Тошкент шаҳридаги филиалларида таҳсил олаётган 3 нафаргача бўлган энг иқтидорли талабаларига Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,5 бараварида ҳар ойда тўлаб борилади. Стипендиатларга Энергетика вазирлиги томонидан “Энергетика вазири стипендияси соҳиби” кўкрак нишони ҳамда қимматбаҳо совҳалар берилади. | http://minenergy.uz/uz/news/view/1162<br>http://minenergy.uz/ru/news/view/1162<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6205<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/827<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/827<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/827 |
| **111.** | **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲАМДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАРМОҒИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ / РАССМОТРЕНЫ ПРОЕКТЫ, РЕАЛИЗУЕМЫЕ В КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИКЕ**<br>Президент Шавкат Мирзиёев 15 март куни Қашқадарё вилоятида ҳамда электр энергияси тармоғида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди. Тақдимотда жорий йилда электр энергетикаси соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, бу йил магистрал электр тармоқлари бўйича умумий қиймати 140 миллион доллар бўлган 6 та лойиҳа режалаштирилган. Улардан бири 14 та подстанцияни модернизация қилиш лойиҳасидир. Бунинг самарасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жами 1 минг 430 МВт қўшимча қувват яратилади. Яна бир муҳим жиҳати, ушбу подстанциялардаги йиллик электр энергияси исрофи 1,5 миллион долларга, таъмирлашга сарфланадиган харажатлар қарийб 16 миллион долларга камаяди. / Президент Шавкат Мирзиёев 15 марта ознакомился с презентацией инвестиционных проектов, которые планируется реализовать в Кашкадарьинской области и электроэнергетической отрасли. | https://president.uz/uz/lists/view/4232<br>https://president.uz/ru/lists/view/4232<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/831<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/831<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/831 |

| | | |
|---|---|---|
| **112.** | **uzbekistonmet.uz: No comment…**<br>"Тахиатош иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган электр энергияси юқори кучланишли електр узатиш тармоқлари ҳамда 220 кВли "Қорақалпоғистон", "Беруний" ва "Хоразм" подстанциялари орқали электр энергияси умумтизим тармоқларига узатилади… | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6265<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/845<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/845 |
| **113.** | **ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ ВА ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИ МАВЗУСИНИ ЁРИТИШ БЎЙИЧА «SAVE ENERGY» ТАНЛОВИ**<br>Ғолиблар учун мукофотлар: *“Энг яхши ижтимоий видеоролик” номинацияси бўйича мукофот - 20 000 000 сўм; “Энг яхши ижтимоий баннер” номинацияси бўйича мукофот - 15.000.000 сўм;  “Энг яхши мақола” номинацияси бўйича мукофот - 10 000 000 сўм.* | https://t.me/minenergy_uz/2949<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/843<br>http://uzbekistonmet.uz/щz/lists/view/843<br>http://uzbekistonmet.uz/кг/lists/view/843 |
| **114.** | **ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРЛИГИДА ТАЙИНЛОВ АМАЛГА ОШИРИЛДИ / НАЗНАЧЕНИЕ В МИНЭНЕРГО**<br>Исақулов Сардор Дадажонович Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг Марказий диспетчерлик бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи этиб тайинланди. / До этого С.Исакулов работал главным специалистом Управления по развитию электрических сетей, международных рейтингов и индексов Минэнерго. | https://t.me/minenergy_uz/2937<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/832<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/832<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/832 |
| **115.** | **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ТАҚДИМОТ: жорий йилда электр энергетикаси соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар**<br>2020 йилда магистрал электр тармоқлари бўйича умумий қиймати 140 миллион доллар бўлган 6 та лойиҳа режалаштирилган. Улардан бири 14 та подстанцияни модернизация қилиш лойиҳасидир. Бунинг самарасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жами 1 минг 430 МВт қўшимча қувват яратилади. Яна бир муҳим жиҳати, ушбу подстанциялардаги йиллик электр энергияси исрофи 1,5 миллион долларга, таъмирлашга сарфланадиган харажатлар қарийб 16 миллион долларга камаяди. Ҳисобга олиш тизимидаги хатоликлар барҳам топади. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6216<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/833<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/833<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6234 |
| **116.** | **БУГУН ЯПОНИЯ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АГЕНТЛИГИ (JICA) ВА ЯПОНИЯНИНГ TEPSCO КОМПАНИЯСИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН ОНЛАЙН МУЛОҚОТ ЎТКАЗИЛДИ**<br>Бугун, 2021 йил 16 март куни «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти иштирокида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги  — JICA ҳамда Япониянинг TEPSCO компанияси вакиллари билан онлайн мулоқот бўлиб ўтди.<br>Видеоконференция шаклида ўтказилган учрашув давомида «Навоий ИЭСда 650 МВт қувватга эга бўлган тўртинчи буғ-газ қурилмасини қуриш» лойиҳасини амалга оширишга доир техник масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, онлайн  мулоқотда  «Иссиқлик электр станциялари» АЖ ва «Ўртаосиёэнерготармоқлойиҳа» АЖ лойиҳа институти мутахассислари ҳам иштирок этишди. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/835<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/835 |
| **117.** | **"ДАВЛАТ ТАШҚИ ҚАРЗИ: ҚАРЗ МАБЛАҒЛАРИНИ САРФЛАШ ЙЎНАЛИШИ ВА ЛОЙИҲАЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ" МАВЗУСИДА ОЧИҚ МУЛОҚОТ**<br>Ўзбекистон Республикасининг Молия вазири Тимур Ишметовнинг таъкидлашича, давлат қарзи – бу ҳар қандай давлатнинг, давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас ва муҳим қисмидир.<br>"Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2021 йил 1 январ ҳолатига кўра давлат ташқи қарзи қолдиғи 21,1 млрд. долларни ёки ЯИМнинг 36,5 фоизини ташкил этди. Сўнгги йиллардаги ўсишига қарамай, халқаро стандартларга мувофиқ, мамлакатимизнинг давлат ташқи қарзи мўтадил даражада сақланиб қолмоқда.<br>Давлат томонидан олинган ташқи қарз маблағлари, асосан, иқтисодиётнинг асосий тармоқлари – энергетика, транспорт, муҳандислик ва телекоммуникация, кимё, таълим, қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган. | http://minenergy.uz/uz/news/view/1166<br>http://minenergy.uz/ru/news/view/1166<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/837<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/837<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/837 |

| | | |
|---|---|---|
| **118.** | **2021 ЙИЛДА ТОЖИКИСТОН БИЛАН УЗИЛГАН 64 КМ ЭЛЕКТР ЛИНИЯ ҚАЙТА ТИКЛАНАДИ, ЛОЙИҲА ҚИЙМАТИ 14,7 МЛН ДОЛЛАР**<br>Тақдимотда иштирок этган Kun.uz мухбирининг хабар беришича, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ бошқарув раиси Дадажон Исақулов Тожикистон билан узилган электр линияси 2021 йилда қайта тикланаётгани ҳақида гапирди.<br>«Ҳозирги кунда Ўзбекистон энергетика тизими Тожикистон билан параллел ишламайди. Ўртада 64 км линиямизни бир пайтлар демонтаж қилиб олган эдик. Энди шуни қайта тиклаяпмиз. Тожикистонда сувдан олинган электр билан кечки максимумларни қоплашга ва Тожикистон билан параллел ишлаш учун қулай шароит яратади. 64 км линияни қуриб битиришга 14,7 млн доллар сарфаланади ва Тожикистоннинг Регар станцияси билан ўзимизнинг Сурхон подстанциясини боғлаймиз», – дея жорий йилги режалар ҳақида маълумот берди «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ бошқарув раиси Дадажон Исақулов тақдимот пайтида. | https://kun.uz/news/2021/03/16/2021-yilda-tojikiston-bilan-uzilgan-64-km-elektr-liniya-qayta-tiklanadi-loyiha-qiymati-147-mln-dollar<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/838<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/838 |
| **119.** | **ONLINE: «ТАХИАТОШ ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ» АЖДА ОАВ ВАКИЛЛАРИ УЧУН СЕМИНАР-ТРЕНИНГ БЎЛИБ ЎТМОҚДА**<br>"Тахиатош ИЭС" АЖда маҳаллий ҳамда хорижий ОАВ вакиллари, журналист ва блогерлар учун "Электр энергетика соҳасини ОАВда ёритишнинг самарали механизмлари" мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди. Унда «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ бошқаруви раисининг матбуот котиби ҳам иштирок этмоқда. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/841<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/841<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6245 |
| **120.** | **ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ ШЕРЗОД ХОДЖАЕВ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ ҚАРЗЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИЯТ ҲАҚИДА / ЗАМЕСТИТЕЛЬ МИНИСТРА ЭНЕРГЕТИКИ ШЕРЗОД ХОДЖАЕВ О СИТУАЦИИ С ВНЕШНИМ ДОЛГОМ УЗБЕКИСТАНА**<br>«Биз давлатнинг умумий сиёсати — яъни ташқи қарз олишни камайтириш тенденциясига қатъий риоя қилган ҳолда узоғи билан икки йилдан кейин биз бу амалиётдан воз кечамиз», — деди вазир ўринбосари.<br>/«Мы поддерживаем политику по снижению внешнего долга страны и уверены, что в течении двух лет, мы сможем привлечь ресурсы в сферу энергетики не обращаясь к займам из вне», — сказал заместитель министра. | https://t.me/minenergy_uz/2947<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/842<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/842 |
| **121.** | **ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ: 85 ФОИЗ ТАРКИБИДАГИ 85 МИНГ МАШАҚҚАТ ҲАҚИДА...**<br>Электр энергияси ишлаб чиқариш манбалари сони тараққиётнинг кейинги босқичида ортиб бораётганлигига қарамасдан, жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари, жумладан Ўзбекистонда ҳам соҳанинг энг "оғир юки"ни иссиқлик электр станциялари тортиб келмоқда.<br>Юртимизда жами электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмидаги иссиқлик электр станцияларининг умумий ҳиссаси **қарийб 85 фоизни** ташкил қилади.<br>*Демакки, ўша 85% фоиз анъанавий электр энергияси ишлаб чиқариш — миллионлаб куб табиий газ ва ерости газы, кўмир ва бошқа нефть маҳсулотлари, уни етказиб берувчи ўнлаб ташкилотлар ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни узатиб, истеъмолчига тақсимлаб берувчи корхоналар ҳамда ушбу корхона-ташкилотларда меҳнат қилаётган юз мингдан зиёд ишчи-ходимлар...* | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6254<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-03-17<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6329<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/844<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/844 |
| **122.** | **МАЪНАВИЙ ЮКСАКЛИККА ЭЛТУВЧИ НАРВОН**<br>Шу кунларда ҳукуматимиз томонидан лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси муҳокама учун эълон қилинди. Айни дамда мазкур лойиҳа юзасидан ижтимоий тармоқларда турли муносабатлар билдирилмоқда.<br>Бу жараённи бир овоздан қўллаб-қувватлаб турган ватандошларимиз кўп минг сонли. Афсуски, "бугун шу иш шартмиди?" деб ёзғираётганлар ҳам йўқ эмас. Айнан мана шу савол кайфиятида бўлганларга "ҳа, шарт!" деган қатъий жавобни беришга мажбурмиз. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/848<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/848 |

| | | |
|---|---|---|
| **123.** | **ЗАМОНАВИЙ ЕЧИМЛАР. "ТАХИАТОШ" ИЭС ҚАНДАЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНДИ**<br>Янги модернизация қилинган, умумий қиймати сал кам 700 миллион АҚШ доллари бўлган "Тахиатош" ИЭС Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти истеъмолчиларини узлуксиз ва сифатли электр энергия билан таъминлайди. Ўзбекистон Энергетика вазирлиги томонидан 17-18 март кунлари Қорақалпоғистондаги "Тахиатош" иссиқлик электр станциясига икки кунлик пресс тур ташкил этилди ва унда маҳаллий ва хорижий журналистлар ҳамда блогерлар иштирок этишди, деб хабар бермоқда Sputnik Ўзбекистон мухбири. | https://sputniknews-uz.com/20210319/zamonaviy-echimlar-takhiatosh-ies-anday-modernizatsiya-ilindi-17850625.html<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/861<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/861 |
| **124.** | **“ОТАЖОНИМ ОРИФЖОН, ИСМИНГНИ УНУТМА!”**<br>***Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигига бағишланади...***<br>Атоқли ёзувчимиз Абдулла Қаххор ёш шоир Абдулла Ориповнинг биринчи китоби – “Митти юлдуз”ни ўқибоқ ўз хайратлари ва қувончини яширолмай, шундай деган экан: *“Шеъриятда кутилмаган янги нафас пайдо бўлди. Томчини кузатган бўлсангиз, тўлишганидан кейин томади. Абдуллажоннинг шеърлари ҳам ана шундай. Олдин сўзма-сўз, сатрма-сатр юраги қонида қайнаб пишади”.* | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6309<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-03-21<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/852<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/852 |
| **125.** | **ТОЖИКИСТОН ҲУДУДИДАН ЎТГАН 500 КВЛИ Л-503-СОНЛИ ЭЛЕКТР УЗАТИШ ҲАВО ТАРМОҒИДАГИ НОСОЗЛИК БАРТАРАФ ЭТИЛДИ. УШБУ НОСОЗЛИК “ҲАЛҚА” ТИЗИМИ ТУФАЙЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ЭЛЕКТР ҚУВВАТИНИ УЗАТИШ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИР ЭТМАДИ**<br>18 мартдан 19 мартга ўтар кечаси «Сирдарё ИЭС» АЖ билан 500 кВли «Ўзбекистон» подстанциясини боғловчи Л-503 электр узатиш тармоғида кучли шамол таъсирида носозлик келиб чиққани аниқланди. Таҳлил ва ўрганишлар натижасида *носозлик ЭУТнинг 110- ва 111-сонли таянч устунлари орасида* эканлиги маълум бўлди. Носозлик келиб чиққан ондаёқ реле ҳимояси ва автоматика тизими ишлаб, қувват оқими “ҳалқа” тизими орқали, Л-524- ва Л-550-сонли юқори кучланишли электр тармоқларига қўшимча юклама берилиши натижасида, ишлаб чиқарилаётган электр энергиясини паст кучланувчи тармоқларга етказиб бериш жараёни тўхтаб қолмади. *Шу ўринда ушбу ҳолат юқори кучланишли электр тармоқларига хос бўлган муҳандислик ечими эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.* | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6299<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-03-20<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/849<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/849<br>https://uza.uz/uz/posts/tozhikiston-hududidan-otgan-500-kvli-l-503-sonli-elektr-uzatish-havo-tarmogidagi-nosozlik-bartaraf-etildi_250477 |
| **126.** | **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ / ПРИВЕТСТВЕННОЕ СЛОВО ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ШАВКАТА МИРЗИЁЕВА НА ТОРЖЕСТВАХ, ПОСВЯЩЕННЫХ ВСЕНАРОДНОМУ ПРАЗДНИКУ НАВРУЗ**<br>Чиндан ҳам, бизнинг кучимиз – бирлик ва аҳилликда; бизнинг қудратимиз – меҳр-оқибат, ўзаро кўмак ва саховатда; бизнинг ютуғимиз эртанги кунга бўлган юксак ишончимизда. Бу адолатли ҳақиқатни бошимиздан кечирган синовли кунлар яна бир бор исботлади. / Только тогда вместе с нашим трудолюбивым народом мы с новыми силами и энергией сможем, реализуя большие планы, продолжить путь к достижению наших благородных целей. Сегодня, видя ваши радостные лица, я вновь убеждаюсь в том, что весна придает мощную созидательную силу нашему народу. Мы благодарим Всевышнего за эти светлые дни, когда на нашей земле ощущается дыхание весны. | https://president.uz/uz/lists/view/4249<br>https://president.uz/ru/lists/view/4249<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/853<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/853<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/853 |
| **127.** | **АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ ДЎСТЛАР, ҲУРМАТЛИ ҲАМКАСБЛАР!**<br>**Қадрли дўстлар!** *Шу кунларда юртимизнинг барча гўшаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишларини кўриб кўз қувонади. Азал-азалдан баҳор ва Наврўз шарофати туфайли ташкил этиладиган ҳашарлар ва бошқа хайрли тадбирларда кекса-ю ёш фаоллик билан иштирок этади.*<br>**Азиз ҳамкасблар!** *Жамиятимизнинг аҳил жамоаси баҳор айёми — Наврўзи оламни ёруғ юз, кўтаринки кайфият билан кутиб олмоқда. Акциядорлик жамиятимиз 2021 йилги режаларни шараф билан бажариш учун туну кун меҳнатда.* Яна бир бор барчангизни Наврўз — умумхалқ байрами билан қутлайман. Баҳор байрамингиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар!<br>**Дадажон Исақулов, «Ўзбекистон МЭТ» АЖ бошқаруви раиси** | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6303<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/850<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/850<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6306 |

| | | |
|---|---|---|
| **128.** | **"ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ FACEBOOK ИЖТИМОИЙ ТАРМОҒИДАГИ САҲИФАСИДА ИНТЕРНЕТ ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ЭНГ КЎП КЎРИЛГАН ВИДЕОЛАВҲА АНИҚЛАНДИ**<br>Ўзбекистон-24" телеканали ижодкорлари томонидан тайёрланган ушбу лавҳа қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича етакчи халқаро компаниялардан бири ҳисобланган "Масдар" (БАА) компанияси томонидан Навоий вилоятининг Зарафшон ҳудудида қуввати 500 МВтга тенг бўлган йирик шамол электр станцияларидан бири қурилиши ҳақидадир. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6358<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/871<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/871 |
| **129.** | **«ХАЛҚНИНГ КЎЗИГА ҚАРАШ ОҒИР» — ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ**<br>Энергетика вазири ўринбосари Шерзод Хўжаев қўшни давлатлар билан йўлга қўйилаётган энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ва кейинги куз-қиш мавсумида амалга ошириладиган ишлар ҳақида маълумот берди.<br>«Қўпол қилиб айтганда, 1991 йилдан бошлаб то 2016 йилгача СССР давридан қолган бутун захирани едик. Ўз вақтида ҳамма подстанцияларимиз икки баравар қувват билан режалаштириб қурилган эди. Захира қувватларнинг ҳаммасини еб тугатдик», – деди Шерзод Хўжаев. | https://kun.uz/62005690<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6327<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/858<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/858 |
| **130.** | **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИНГ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНИШИ УЧУН ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сон қарорининг 4-бандида «Ўзбекистон Республикаси 2020–2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз тумани, Кеш даҳасида **220 кВли “Амир Темур” подстанцияси** қурилмоқда.<br>Шу билан бирга, вилоятда 500 кВли «Ғузор» подстанциясидан чиқувчи **220 кВли Л-Азамат-1** ва **Л-Азамат-2** электр узатиш ҳаво тармоқларини қуриш лойиҳалари амалга оширилмоқда. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6343<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-03-23<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/866<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/866 |
| **131.** | **ПРЕЗИДЕНТГА ЯНГИ МАТБУОТ КОТИБИ ТАЙИНЛАНДИ**<br>«…Кўп ўйлаб шу қарорга келдим. Бугун Шерзод Асадовни президентнинг матбуот котиби этиб тайинлаш тўғрисидаги фармонни имзоладим. Тилни билади, дунёни кўрган. У ҳам катта кураш майдонига киряпти. Шу фурсатдан фойдаланиб айтмоқчиман, Шерзод Асадов давлат сиёсатининг ёритилишига масъул бўлади.<br>Унга жуда масъулиятли вазифа топшириляпти. Барча идораларнинг матбуот котибларини ўқитиш, малакасини ошириш керак. Солиштириш, холисона ёндашувни ўргатиш керак.<br>Ҳар бир вазирлик матбуот хизматлари Асадовга бўйсунади ва ҳисобот беради.<br>У барча идоралар, ҳокимликлар матбуот котиблари фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Аввалги давр билан солиштириш керак, ҳозирги адолатли сиёсатни халққа етказиш керак. Дунёда ахборот оламида кескин курашлар кетяпти. Буни тўғри англаб етиш керак», деган давлат раҳбари. | https://kun.uz/71880267<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/873<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/873 |
| **132.** | uzbekistonmet.uz: **АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ISO-37001:2016 ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА АМАЛИЁТЛАР БОСҚИЧИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ**<br>Ёдингизда бўлса, 2021 йилнинг февраль ойида «Ўзбекистон МЭТ» АЖ ISO 9001 халқаро стандартининг сифат сертификатини (https://t.me/uzmetaxborotxizmati/5992) олишга муваффақ бўлган эди. Бугун, 2021 йил 24 март куни Акциядорлик жамиятининг мажлислар залида “Cert International” халқаро компаниясининг вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда ISO-37001:2016 халқаро сертификатини олиш бўйича амалиётлар босқичлари муҳокама этилди.<br>Умуман олганда, Жамиятда ушбу стандартни жорий этишга тайёргарлик ишлари бундан аввалроқ бошлаб юборилганди. Айнан шу мақсадда Акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг буйруғи ҳам қабул қилинган. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6349<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/869<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/869 |

| | | |
|---|---|---|
| 133. | **ТЕЗКОР ХАБАР ССВ: 1-АПРЕЛДАН ОММАВИЙ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИШГА АЙРИМ ЧЕКЛОВЛАР ЎРНАТИЛАДИ**<br>Маълумки, юртимизда коронавирус билан боғлиқ эпидемиологик вазият барқарорлашган даврда қатор йўналишларда карантин чекловлари юмшатилган эди. Бироқ айни пайтга келиб, касалликка чалинганлар сонининг ошиши ҳисобига аҳоли гавжум бўладиган тадбирларни бироз чеклашни шароит тақозо қилмоқда. Қатор соҳа мутахассислари ва етакчи олимларнинг таклифларини инобатга олиб, Республика махсус комиссияси сўнгги кунларда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида коронавирус инфекцияси билан касалланиш ҳолатлари ортганлиги муносабати билан мамлакатимизда кескин эпидемиологик ҳолат юзага келишини олдини олиш мақсадида қуйидаги таклифларни маъқуллади | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6344<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/868<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/868 |
| 134. | **ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРИ СТИПЕНДИЯСИ СОҲИБИ БЎЛИШ ШАРТЛАРИ /СТИПЕНДИЯ МИНИСТРА ЭНЕРГЕТИКИ И ПРАВИЛА ЕЕ ПОЛУЧЕНИЯ**<br>Энергетика вазири стипендияси 3 та – яъни Иван Михайлович Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, “Москва муҳандислик-физика институти” Миллий тадқиқот ядро университети ва “Москва энергетика институти” Миллий тадқиқот университетларининг Тошкент шаҳридаги филиалларида таҳсил олаётган талабалари учун амал қилади. / Стипендия министра энергетики Республики Узбекистан выделяется студентам, независимо от их гражданства, достигшим лучших результатов в образовании, науке, технологиях и изобретениях, а также общественной деятельности в ходе своего обучения в данных вузах. В их число войдут студенты и аспиранты вышеупомянутых ВУЗов Министерства энергетики, которые внесли свой вклад в развитие топливно-энергетического сектора. | http://minenergy.uz/uz/news/view/1177<br>http://minenergy.uz/ru/news/view/1177<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/878<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/878<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/878 |
| 135. | **“ЎЗИМИЗ УЧУН КУЗ-ҚИШ МАВСУМИНИ УНУТДИК. БИЗЛАРДА ЭНДИ ДОИМИЙ МАВСУМ” – ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРИ**<br>Бугунги Президент видеоселекторида сўзга чиққан Энергетика вазири Алишер Султонов Давлат раҳбарининг *“Бу йил куз-қиш мавсуми нима бўлади?”* – деган саволига жавоб бериб, қўшни давлатлар билан ҳамкорликларни тиклаш эвазига нафақат куз-қиш мавсумларида, балки, ёзги мавсумда ҳам электр-энергия таъминоти муаммоларининг ижобий ҳал бўлишига ваъда берди. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6360<br>http://darakchi.uz/uz/116243<br>https://t.me/energetika_xabarlari<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/874<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/874 |
| 136. | **ҚИШЛОҚ ВА МАҲАЛЛАЛАРНИ ОБОД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ИШЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ / ОПРЕДЕЛЕНЫ МЕРЫ ПО ПОВЫШЕНИЮ КАЧЕСТВА ЖИЗНИ В СЕЛАХ И МАХАЛЛЯХ**<br>Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 24 март куни “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида жорий йилда амалга ошириладиган ишлар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2018 йилдаги фармонлари билан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари қабул қилинган эди. Ушбу дастурлар доирасида 5 миллионга яқин юртдошимиз яшайдиган 1 минг 200 та маҳалла ва қишлоқдаги шароитлар яхшиланди. Лекин ўтган йили коронавирус пандемияси туфайли бу борадаги ишлар вақтинча тўхтатилган эди. Бугунги кунда юртимизда шароити оғир бўлган 796 та қишлоқ ва шаҳарларда 188 та маҳалла мавжуд. 4 мингдан зиёд маҳалланинг электр таъминоти қониқарсиз аҳволда. / Отдельно затронут вопрос комплексного развития 325 сел и 71 махалли с тяжелым социально-экономическим положением. На строительство и ремонт сетей питьевого водо- и электроснабжения, внутренних дорог и социальных объектов в этих населенных пунктах решено выделить 3 триллиона 300 миллиардов сумов. | https://president.uz/uz/lists/view/4254<br>https://president.uz/ru/lists/view/4254<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/870<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/870<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/870<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6357 |
| 137. | **ПРЕЗИДЕНТ ВАЗИРДАН ЙИЛ ОХИРИГАЧА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ГАЗ БЎЙИЧА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛИШИ БОРАСИДА СЎРАДИ**<br>2021 йилда электр тармоқларига умумий ҳисобда 430 млн доллар пул ажратилади. Ички йўлларни таъмирлашга 2 триллион, электр таъминотини яхшилашга 2,1 триллион сўм берилади. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6361<br>https://kun.uz/02689452<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/876<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/876 |

| | | |
|---|---|---|
| **138.** | **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ПҚ-4971-СОНЛИ ҚАРОРИ ИЖРОСИ: “CENERGO” МЧЖ ТАҚДИМОТИ, ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАНИНГ АТРОФ-МУҲИТГА ТАЪСИРИ БЎЙИЧА ОММАВИЙ ЭШИТУВ, “ФИДОКОР” МФЙ ФАОЛЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ**<br>**Тошкент вилоятида қуввати 240 МВт бўлган иссиқлик электр станциясини қуриш лойиҳаси** амалга оширилмоқда. Лойиҳа қиймати **150 млн. АҚШ доллари** (*тўғридан-тўғри хорижий инвестиция*) ҳисобида. Давлат-хусусий шекриклиги асосида (*қуриш, эгалик ва эксплуатация қилиш*) амалга оширилаётган мазкур лойиҳанинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2021 йил 2 февралда қабул қилинган ПҚ-4971-сон қарори** ташкил этади. Дастлаб лойиҳани амалга оширувчи **“CENERGO” МЧЖ маҳаллий лойиҳа компанияси** ташкил этилди. Сўнгра инвестор кормпания — Cengiz Enerji ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ўртасида **Инвестиция келишуви**, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти билан **“Электр энергиясини харид қилиш келишув битим”лари** имзоланди. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6372<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-03-25<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/880<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/880 |
| **139.** | **ИСТЕЪМОЛЧИЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАРДАГИ НОАНИҚЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ / УСТРАНЕНЫ НЕТОЧНОСТИ В РАСЧЕТАХ С ПОТРЕБИТЕЛЯМИ**<br>Сўнги вақтларда мамлакатимизда электр энергиясини етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш бўйича кўплабислоҳотлар амалга оширилди. Натижада электр энергиясини етказиб бериш ва ҳисобга олишнинг мақбул тизими яратилиб, ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлиги, электр энергияси учун маблағларнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишига олиб келмоқда. / Однако в некоторых случаях в сфере поставки и потребления электроэнергии возникают различные конфликты из-за неточностей и ошибок во взаиморасчетах между энергоснабжающими компаниями и потребителями. Специалисты Ферганского регионального отделения Узэнергоинспекции беспристрастно рассматривают и юридически разрешают жалобы потребителей по делам о взаиморасчетах. | http://minenergy.uz/uz/news/view/1175<br>http://minenergy.uz/ru/news/view/1175<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/881<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/881 |
| **140.** | **“ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ”АЖ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН БАРЧА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР, ШУНИНГДЕК, АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАРКИБИДАГИ БАРЧА БОШ БОШҚАРМА, БОШҚАРМА, ХИЗМАТ, БЎЛИМ, ФИЛИАЛ ҲАМДА ТАРКИБИЙ БЎЛИНМАЛАР ДИҚҚАТИГА!**<br>Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссиясининг 2021 йилнинг 19 мартдаги 67-сонли йиғилиш баёнига кўра, аҳоли ўртасида коронавирус инфекциясига чалиниш ҳолатларининг олдини олиш ва санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш борасида Республика махсус комиссияси қарорлари билан жорий этилаётган чекловларни вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилишини таъминлашга кўмаклашиш, шунингдек, белгиланган чекловлардан келиб чиқиб, Жамиятга юборилаётган ҳужжатлар, лойиҳа ҳужжатлари, хат-хабарлар, таклифнома ва табрикномалар, топшириқларга жавоблар ҳамда хизматга оид барча ёзишмалар қоғоз кўринишида “Ўзбекистон МЭТ” АЖ” девонхонасига киритиши тўхтатилиб, ҳужжатлар фақат е-хат электрон ахборот алмашуви тизими (е-хат uzbekiston_met@exat.uz) ёки электрон почта (info@uzbekistonmet.uz) орқали қабул қилиниши маълум қилинади. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6381<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/882<br>http://uzbekistonmet.uz/ўz/lists/view/882 |
| **141.** | **ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДАГИ 220/110/10 КВЛИ «САРИБОЗОР» ПОДСТАНЦИЯСИГА 124 МВА ҚЎШИМЧА ҚУВВАТ ҚЎШИЛДИ**<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги йиғилиш баённомасининг тегишли бандларида белгилаб берилган топшириқларга асосан Жиззах вилояти Зафаробод тумани ҳудудида барпо этилаётган йирик қувватга эга бўлган электр энергия истеъмолчиларини ташқи электр таъминоти билан таъминлаш мақсадида 220/110/10 кВли «**Сарибозор» подстанциясида** мавжуд 63 МВАли АТ-1 ҳамда АТ-2 трансформаторлар **125 МВА қувватга эга автотрансформаторларга** алмаштирилди. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6385<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-03-26<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/884<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/884<br>https://sangzor.uz/jizzax-yangiliklari/10253-zhizzah-viloyatidagi-220-110-10-kvli-saribozor- |

| | | |
|---|---|---|
| | Натижада юқори кучланишли подстанция иш фаолятига **124 МВА қўшимча қувват** қўшилди. Айни пайтда унинг ўтказувчанлик қуввати қарийб икки баробарга ортиб, **250 МВА** эга бўлди. Ўрнатилган автотрансформаторлар жорий йилнинг март ойида кучланиш остига қўйилиб, синов муддати тугаганидан сўнг тўлиқ ишга туширилди.<br>Юқорида санаб ўтилган қўшимча қуватлар эвазига Жиззах вилоятининг Бахмал ва Ғаллаорол туманидаги барча электр энергия истеъмолчилари ҳамда Зафарабод ва Фориш туманида жойлашган айрим йирик ишлаб чиқариш корхоналарини сифатли электр энергияси билан таъминлашнинг ишончлилиги бирмунча ошишига эришилди.<br>Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, подстанцияда олиб борилган модернизация-реконструкция ишларининг **умумий қиймати 11,0 млрд.сўмни** ташкил этади. | podstanciyasiga-124-mva-shimcha-uvvat-shildi.html<br>https://sangzor.uz/jizzax-yangiliklari/10253-zhizzah-viloyatidagi-220-110-10-kvli-saribozor-podstanciyasiga-124-mva-shimcha-uvvat-shildi.html |
| **142.** | **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ 220 КВЛИ «БЕРУНИЙ» ПОДСТАНЦИЯСИГА 125 МВА ҚЎШИМЧА ҚУВВАТ ҚЎШИЛДИ**<br>Ҳозирги кунгача «Беруний» подстаниясида қуввати 125 МВА бўлган 1 дона автотрансформатор ишлаб турган эди ва ушбу подстанция орқали **Беруний, Тўрткўл, Элликқальа ва Амударё тумани аҳолиси**, шунингдек **Қораўзак туманида жойлашган саноат корхоналари** электр энергия билан таъминланади.<br>Модернизация лойиҳаси доирасида «Беруний» подстанциясининг ҳозирги кундаги электр схемаси ўзгартирилиб, 220 кВ, 110 кВ ва 10 кВ тақсимлаш қурилмалари кенгайтирилиб, **ўтказувчанлик қуввати икки бароборга** оширилди. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6392<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-03-27<br>http://karakalpakstan.uz/uz/news/show/3004 |
| **143.** | **ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИГА ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР КЕНГ ЁРИТИЛМОҚДА (ИНФОГРАФИКАЛИ ТАҚДИМОТ)**<br>Мамлакатимиз аҳолиси, хусусан республикамиз истеъмолчилари ўртасида электр таъминотига бевосита тааллуқли масалалар бўйича тушунмовчиликлар, ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари томонидан турли асоссиз тушунчалар пайдо бўлишини олдини олиш, тўғри ва холис ахборот тарқатиш орқали жамоатчилик ўртасида позитив тушунчаларни шакллантириш мақсадида Энергетика вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари матбуот хизматлари қаторида «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти Ахборот хизмати томонидан ҳам энергетика соҳаси, хусусан **электр энергетика тармоғида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиш, электр таъминотининг ўзига хос муҳандислик ечимлари ҳақида ахборот бериш** ишлари бирмунча кучайтирилди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/901<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/901<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-03-31-2<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/7131<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-03-31-2 |
| **144.** | **АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ХОДИМЛАРИ СПОРТ ТАДБИРИДА ФАХРЛИ ЎРИНЛАРНИ ЭГАЛЛАШДИ**<br>«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги **ПФ-6099-сон Фармонининг ижроси** бўйича чора-тадбирлар режасига ишлаб чиқилган бўлиб, **«Ўзбекистон МЭТ» АЖ Бирлашган касаба уюшмаси, Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти** ҳамда **Ахборот хизмати ҳамкорлигида** енгил спорт турлари бўйича турли мусобақа ҳамда ўйинлар ўтказиб келинмоқда. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/902<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/902<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-04-01-4<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6468 |
| **145.** | **Наманган вилояти магистрал электр тармоқлари модернизация лойиҳаси бўйича 1-босқичда (2017–2022 йиллар) 175 МВА, 2-босқичида (2022–2026 йиллар) 150 МВА қўшимча қувват яратиш ишлари олиб борилмоқда**<br>Айни пайтда “**Қизил-Равот” подстанциясида** “Тўрақўрғон ИЭС” АЖ маблағлари ҳисобидан модернизация ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Лойиҳага 41,6 млн АҚШ доллари ҳисобида маблағ ажратилган. Подстанцияга 125 МВА қувватга эга 2 дона автотрансформаторлар 200 МВА қувватли 2 дона замонавий автотрансформаторларга алмаштирилиши учун олиб келинган.<br>Бугунги кунгача 4 та 220 кВли янги замонавий элегаз ўчиргичлари ва 1 дона 200 МВАли автотрансформатор ўрнатилди. Энди эса 4 та 220 кВли жисмонан эскирган мойли ўчиргичлар замонавий элегаз ўчиргичларга алмаштирилади. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/907<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/907<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-04-02<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6498 |

| | | |
|---|---|---|
| **146.** | **“Зарчоб-1” кичик ГЭСи ишга тушди**<br>“Гидропроект” акциядорлик жамияти лойиҳалаштирган мазкур гидроэлектр станцияси учун зарурий технологик қурилмалар Хитойнинг “Dongfang Electric International Corporation” компанияси томонидан етказиб берилган. Бу ерга ўрнатилган иккита гидроагрегатнинг қуввати 37,4 МВтни ташкил этади. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/908<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/908<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6502 |
| **147.** | **“Masdar” компанияси шамол электр станцияси қувватини 1,5 ГВтга оширади**<br>Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири **Алишер Султонов**: “Биз “Masdar” компанияси билан шериклик алоқаларимизни юксак қадрлаймиз ва минтақамизда бундай турдаги энг йирик объектга айланадиган шамол парки қувватини ошириш бўйича қарорни олқишлаймиз. Бу Ўзбекистон учун ҳаётий муҳим лойиҳа ҳисобланиб, у 2030 йилга келиб қайта тикланадиган энергия манбалари ҳисобига электр энергиясининг 25 фоизини ишлаб чиқариш сингари мақсадимизга эришишга ёрдам беради”. | http://minenergy.uz/uz/news/view/1194<br>http://minenergy.uz/ru/news/view/1194<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/909<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/909<br>https://www.uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/909 |
| **148.** | **Тошкентда «Иннопром–2021» халқаро саноат кўргазмаси ўз ишини бошлади. Унда «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти мутахассислари ҳам иштирок этишмоқда**<br>«Иннопром–2021» халқаро саноат кўргазмасида «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, бошқарув раисининг ўринбосарлари, шу билан бирга, Магистрал электр тармоқларидан фойдаланиш ва стратегик ривожлантириш бош бошқармаси, Инвестицияларни жалб қилиш ва инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бошқармаси ҳамда Харидлар, маҳаллийлаштириш ва кооперация алоқаларини кенгайтириш бошқармаси мутахассислари иштирок этишмоқда. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/912<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/912<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-04-05<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6505 |
| **149.** | **БУГУН АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИНИНГ ВИДЕО-КОНФЕРЕНЦИЯ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ**<br>Бугун, 2021 йил 5 апрель куни «Ўзбекистон МЭТ» АЖ меҳнат жамоаси видео-конференцияси бўлиб ўтди. Видео-конференцияда Бирлашган касаба уюшма қўмитаси аъзолари, Жамият тасарруфидаги 22 филиал ва таркибий бўлинмалардан сайланган **42 нафар делегатлар**, иш берувчи вакилларидан Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари З.Таштанова, Юридик бошқармаси етакчи юрисконсульти С.Ғуломов, Ходимлар билан ишлаш бошқармаси етакчи мутахассиси О.Воҳидов ва Ўзбекистон энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ижтимоий масалалар бўйича бош мутахассиси А.Маматовлар иштирок этишди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/913<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/913<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-04-05-2<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6509 |
| **150.** | **“Phanes Group” Навоий вилоятида қуёш фотоэлектр станция қуради**<br>Энергетика вазирлиги ва “Phanes Group” халқаро компанияси ўртасида Навоий вилоятининг Нурота тумани ҳудудида қуёш электр станциясини (ҚЭС) қуриш тўғрисида инвестиция шартномаси имзоланди. Шунингдек, маросим давомида “Phanes Group” ва “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ўртасида электр энергиясини сотиб олиш тўғрисида битим имзоланди. “Биз бугунги келишувда Ўзбекистон ҳукумати ва “Phanes Group” халқаро компанияси ўртасидаги электр энергиясини сотиб олиш ва инвестиция шартномалари тўғрисидаги битимларни қабул қиламиз. Мамлакатимиз углерод чиқиндиларини камайтириш ва энергия балансимизда қайта тикланадиган энергия манбалари улушини ошириш стратегиясига қатъий амал қилади. Қуёш энергияси бу стратегиянинг муҳим қисми ҳисобланиб, “Phanes Group” компанияси ушбу лойиҳанинг муваффақиятига ўз ҳиссасини қўшади”, – деди Ўзбекистон Энергетика вазири ўринбосари Шерзод Ходжаев. | http://minenergy.uz/uz/news/view/1197<br>http://minenergy.uz/ru/news/view/1197<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/915<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/915<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6516<br>https://kun.uz/news/2021/04/06/phanes-group-navoiy-viloyatida-quyosh-fotoelektr-stansiya-quradi |
| **151.** | **“Инно Пром” саноат кўргазмаси доирасида Россия Федерациясининг “Жанубий Урал арматура ва изолятор заводи” АЖ билан ҳамкорлик ўрнатиш юзасидан келишув имзоланди**<br>Тошкентда ўтказилаётган “Инно Пром” саноат кўргазмасида “Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг делегацияси хорижий ҳамкорлар билан бир нечта битим ва келишувларга эришилмоқда. Бугун, 6 апрель куни Россия Федерациясининг “Жанубий Урал арматура ва изолятор заводи” АЖ билан ҳамкорлик ўрнатиш юзасидан келишув имзоланди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/916<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/916<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6525 |

| | | |
|---|---|---|
| **152.** | **“Ўзбекистон МЭТ” АЖ ҳамда “Россети” АЖ ўртасида ҳамкорлик амалиётларининг навбатдаги босқичлари юзасидан музокаралар учрашуви бўлиб ўтди**<br>Тошкентда «Иннопром–2021» халқаро саноат кўргазмасининг иккинчи иш куни ўз ишини давом эттирмоқда. Унда «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти мутахассислари ҳам иштирок этишмоқда. Халқаро келишувлар доирасида “Ўзбекистон МЭТ” АЖ ҳамда “Россети” АЖ (ПАО “Россети”) ўртасида учрашув ҳам бўлиб ўтди. Акциядорлик жамияти биносида бўлиб ўтган мазкур учрашув давомида икки ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг жорий ҳолати ва келгусида инвестиция лойиҳаларини бажариш юзасидан амалиётлар босқичи муҳокама этилди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/918<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/918<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6527 |
| **153.** | **Ёқилғи-энергетика соҳасида ташқи қарз маблағларини сарфлаш йўналишлари ва лойиҳалар самарадорлиги**<br>Электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида “Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти томонидан жами 8 та лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, Тошкент иссиқлик электр станциясида қуввати 370 мегаваттга тенг 1 та, Талимаржон иссиқлик электр станциясида қуввати 900 мегаваттга тенг 2 та, Навоий иссиқлик электр станциясида қуввати 450 мегаваттга тенг иккинчи, Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясида қуввати 900 мегаваттга тенг 2 та, Тахиатош иссиқлик электр станциясида қуввати 560 мегаваттга тенг 2 та буғ-газ қурилмалари қурилиб фойдаланишга топширилди. | http://minenergy.uz/uz/news/view/1202<br>http://minenergy.uz/ru/news/view/1202<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6578<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/928<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/928<br>https://www.uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/928 |
| **154.** | **Сурхондарё вилоятидаги “Сурхон” подстанциясини “Ғузор” подстанцияси билан боғловчи 500 кВли электр узатиш тармоғи қайта тикланди**<br>Жорий йилнинг 4 апрель куни Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманида кучли ёғингарчилик ва шамол оқибатида “Сурхон” ва “Ғузор” подстанциялари оралиғидаги 500 кВли Л-508 ҳаво электр узатиш тармоғининг иккита таянчи қулаган эди. Ушбу ҳолатни бартараф этиш мақсадида “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятининг махсус бригадалари томонидан олиб борилган чора-тадбирлар натижасида кеча, 7 апрель куни мазкур таянчларни тиклаш ишлари тўлиқ якунланиб, электр узатиш тармоғи қайта тикланди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/921<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/921<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6554<br>https://t.me/minenergy_uz/3109 |
| **155.** | **Online: Айни пайтда давлат иштирокидаги хўжалик жамиятлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги таъминлаш масалалари юзасидан ўқув-амалий семинар бўлиб ўтмоқда**<br>Айни пайтда Қибрай туманида жойлашган «Энергетиклар сиҳатгоҳи»да Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 февралдаги 81-сонли қарори ижросини таъминлаш, хусусан давлат иштирокидаги хўжалик жамиятлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги таъминлаш масалалари юзасидан ўқув-амалий семинар бўлиб ўтмоқда. Мазкур семинар “Ўзбекгидроэнергия” АЖ томонидан ташкил этилган бўлиб, унда Энернетика вазирлиги тизимидаги турдош ташкилотларнинг матбуот хизматлари раҳбарлари ҳам иштирок этмоқда. Семинарда энергетика ташкилотларининг веб-сайтлари орқали кенг жамоатчилик эътиборига қандай муҳим маълумотларини тақдим этиш масалалари муҳокама этилмоқда. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/922<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/922<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6559 |
| **156.** | **“Ўзбекистон МЭТ” АЖ томонидан 2021 йилнинг I чорагида амалга оширилган инвестицион лойиҳалар ҳамда қурилиш-монтаж ва модернизация-реконструкция дастурлари юзасидан амалга оширилган ишлар хусусида маълумот**<br>Ушбу Инвестиция дастурига мувофиқ 2021 йилда умумий лойиҳа қиймати 603,1 млн. АҚШ доллари бўлган 10 та йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мўлжалланган бўлиб, барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 124,0 млн АҚШ доллари (1 351,6 млрд. сўм) маблағ ўзлаштириш режалаштирилган. Шу жумладан: соҳа маблағлари ҳисобидан — 16,59 млн. АҚШ доллари (180,9 млрд. сўм); давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар – 107,4 млн. АҚШ доллари (1 170,7 млрд. сўм). 2021 йил I чораги бўйича инвестиция лойиҳалари ҳамда қўшимча лойиҳалар доирасида молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 14,1 млн.долл. маблағ ўзлаштирилди, режага нисбатан 135,89%га бажарилди. Шу жумладан… | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6566<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/925<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/925 |

| | | |
|---|---|---|
| **157.** | **НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ ЮҚОРИ КУЧЛАНИШЛИ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖЛАНТИРИЛИБ, ПОДСТАНЦИЯЛАРДА ҚЎШИМЧА ҚУВВАТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА**<br>«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти томонидан мамлакатимизнинг барча вилоятларида электр таъминоти ишончлилигини ошириш мақсадида улкан қурилиш-монтаж ишлари, модернизация-реконструкция дастури асосидаги бир қанча амалиётлар бажариб келинмоқда.<br>«Навоий МЭТ» филиали таркибида **220/110/10 кВ ли «Химия», 220/110/10 кВли «Навои–НС», 220/10 кВ ли «Қизилтепа–1», 220/6/6 кВ ли «Қизилтепа–2»** ва 2021 йилда Навоий кон-металлургия комбинати тасарруфидан “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти балансига олинган яна 5 та юқори кучланишли: **220/35/6 кВли «0», 220/35/6 кВли «Горная», 220/35/6 кВли «Зарафшон», 220/35/6 кВли «Дагизтау»** ва **220/35/6 кВли «А» подстанциялари** мавжуд. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/927<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/927<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-04-09<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6576<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6652<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6995 |
| **158.** | **Шавкат Мирзиёев: Қуйи поғонадаги раҳбарлар дунёқарашини ўзгартириб, тадбиркор билан дўст бўлиб ишламаса, натижа бўлмайди**<br>Бизнес барқарорлиги учун инфратузилма сув ва ҳаводек зарур. Лекин жойларда бу борада камчиликлар борлиги тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлмоқда. Жумладан, инфратузилмадаги муаммолар туфайли 320 та тадбиркор сўнгги 2 йилда импорт қилган 220 миллион долларлик асбоб-ускуналарини ишга тушира олмаяпти. **Яна бир мисол – электр қуввати паст бўлгани боис, Янгиҳаёт туманидаги 24 та корхонада 2,5 мингта иш ўрни ва экспортдан йилига 25 миллион доллар йўқотилмоқда.** Шу боис саноат зоналарини инфратузилма билан таъминлашга жорий йилда 2 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилмоқда. Бунинг эвазига йил якунига қадар 168 та саноат зонаси 468 километр электр энергияси, 362 километр газ, 405 километр сув ва 104 километр йўл билан таъминланади. | https://president.uz/uz/lists/view/4278<br>https://president.uz/ru/lists/view/4278<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/929<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/929<br>https://www.uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/929 |
| **159.** | **Жиззах вилоятида янги, замонавий ва рақамли бошқарув тизимига эга 220 кВ кучланишли “Зафаробод” подстанцияси қурилади**<br>Мазкур лойиҳа бўйича “Ўзэнергоинжиниринг” АЖ лойиҳа институти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган тендер ҳужжатларига Осиё тараққиёт банкининг эътирози йўқлиги ва Бош пудратчи аниқлаш бўйича халқаро тендер савдоларига эълон беришга розилик хати (бугун, 2021 йил 9 апрель санасида) олинди. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, янги — рақамли “Зафаробод” подстанциясини қуриш бўйича “тайёр ҳолда топшириш” шарти асосида Осиё тараққиёт банки талаблари бўйича Бош пудратчини аниқлаш учун тез кунларда халқаро тендер савдоларига эълон берилишини маълум қиламиз. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/930<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/930<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6587<br>https://jizzax.uz/6087-zhizzahda-220-kv-kuchlanishli-zafarobod-podstanciyasi-uriladi.html<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6566 |
| **160.** | **Фото: Навоийда Ўзбекистондаги биринчи энг йирик қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши бошланди**<br>Бирлашган Араб Амирликларининг Masdar компанияси Навоий вилояти Кармана туманида 283 гектар майдонда 100 МВт қувватли қуёш фотоэлектр станциясини қурмоқда. Лойиҳа қиймати – 110 млн доллар.<br>Энергетика вазирлиги ушбу қурилиш объекти ва «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖга қарашли «Химия» подстанциясига журналистлар учун пресс-тур ташкил қилди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/932<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/932<br>https://kun.uz/21379313<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6602<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6652 |
| **161.** | **ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАГИ “ЎЗГАРИШ” ПОДСТАНЦИЯСИДА ЮҚОРИ ҚУВВАТЛИ АВТОТРАНСФОРМАТОРНИ ЎРНАТИШ ИШЛАРИ ЯКУНЛАНДИ**<br>Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги Янги ҳаёт қишлоғи ҳудудида жойлашган “Фарғона магистрал электр тармоқлари” филиали тасарруфидаги 220/110/10 кВли “Ўзгариш” подстанциясида, “Жаҳон банки иштирокида магистрал электр тармоқлари подстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш” номли инвестиция лойиҳаси доирасида, қуввати 200 МВАли автотрансформаторни янги — 250 МВА қувватга эга автотрансформаторига алмаштириш ишлари якунланди. Лойиҳа доирасида ўрнатилган юқори қувватли автотрансформатор замонавий микропроцессорли релели ҳимоя шкафлари билан таъминланган ҳолда ишга туширилди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/936<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/936<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-04-11<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6621 |

| | | |
|---|---|---|
| **162.** | **«НАВОИЙ МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР**<br>«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти таркибидаги «Навоий магистрал электр тармоқлари» филиали Навоий вилоятида яшовчи аҳоли, фаолият юритаётган **саноат корхоналари, ўрта ва кичик бизнес ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий соҳа объектлари**, умуман олганда, **халқ хўжалигининг барча соҳалари ҳамда истеъмолчиларини** узлуксиз, сифатли электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, филиал таркибидаги юқори кучланишли подстанция ва ҳаво линиялари орқали Самарқанд вилоятининг бир қисмини, Бухоро ҳамда Қашқадарё вилоятлари аҳолиси ҳам электр таъминоти умумтизимига уланган. Навоий вилоятидаги юқори кучланишли электр тармоқлари ривожлантирилиб, подстанцияларда қўшимча қувватлар яратилмоқда. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6652<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/945<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/945 |
| **163.** | **«ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР**<br>«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти таркибидаги «Қорақалпоғистон магистрал электр тармоқлари» филиали Қорақалпоғистон Республикасида вилоятида яшовчи аҳоли, фаолият юритаётган **саноат корхоналари, ўрта ва кичик бизнес ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий соҳа объектлари,** умуман олганда, **халқ хўжалигининг барча соҳалари ҳамда истеъмолчиларини** узлуксиз, сифатли электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилади.<br>Филиалнинг асосий вазифаси электр энергиясини энергия ишлаб чиқарувчи корхоналардан худудий электр тармоқлари корхоналарига етказиб бериш, магистрал электр тармоқларини таъмирлаш, шунингдек, бошқа давлатларнинг электр тармоқлари билан ўзаро алоқаларда иштирок этишдан иборат. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/946<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/946<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6656<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/7001<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/7356 |
| **164.** | **"Ўзбекистон МЭТ" АЖ ишчи-ходимлари Тошкент шаҳри, Яшнобод туманидаги «Катта-Қўйлиқ» маҳалласида ҳашар тадбирларини ўтказиб келмоқда**<br>Барчамизга маълумки, муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан барча соҳаларга янгича ёндашувлар жорий қилинмоқда. Хусусан, жойларда "маҳаллабай" ишлаш тизими ташкил этилиб, Маҳалла фуқаролари йиғини фаолиятини мувофиқлаштиришга турли ташкилот ва корхоналар ўзларининг бевосита кўмакларини бериб келмоқдалар. Мисол учун, "Ўзбекистон МЭТ" АЖ ишчи-ходимлари Тошкент шаҳри, Яшнобод туманидаги «Катта-Қўйлиқ» маҳалласида ҳашар тадбирлари ўтказиб келмоқда. Аввалроқ «Катта-Қўйлиқ» МФЙ худудида энергетиклар томонидан 100 туп манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилиб, ободончилик ишларга кўмаклашилган эди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/952<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/952<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/7068 |
| **165.** | **МАРКАЗИЙ ОСИЁ БИРЛАШГАН ЭНЕРГОТИЗИМИДА СОДИР БЎЛГАН ФАВҚУЛОТДА ҲОЛАТ БЎЙИЧА ҚИСҚА МАЪЛУМОТ**<br>*«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти Ахборот хизмати Миллий диспетчерлик маркази маълумотларига таяниб хабар беради:* Бугун, 2021 йил 17 апрель соат 15:24да Марказий Осиё Бирлашган энерготизимида Қозоғистон ва Қирғизистон энерготизимларини боғловчи 500 кВ кучланишга эга Л–514 электр тармоғи (“Чу” ҳамда “Фрунзе” подстанцияларини боғловчи) носозлик туфайли фавқулотда ўчди. Бунинг натижасида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Жанубий Қозоғистон энерготизимлари Россия Федерацияси ягона энерготизимидан маълум муддат ажралди, электр токи частота миқдори 48,61 Гц миқдоргача пасайди (частота миқдори 50,0 Гц бўлиши лозим). | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/950<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/950<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6694 |
| **166.** | **«ҚАШҚАДАРЁ МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР**<br>«Қашқадарё магистрал электр тармоқлари» филиали Қашқадарё вилоятида яшовчи аҳоли, фаолият юритаётган **саноат корхоналари, ўрта ва кичик бизнес ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий соҳа объектлари**, умуман олганда, **халқ хўжалигининг барча соҳалари ҳамда истеъмолчиларини** узлуксиз, сифатли электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилади. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/953<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/953<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/7356 |

| | | |
|---|---|---|
| **167.** | **“Ўзбекистон МЭТ” Марказий Осиё Бирлашган энерготизимида содир бўлган фавқулодда ҳолат юзасидан маълумот берди**<br>Соат 16:19да Қозоғистон ва Қирғизистон энерготизимларини боғловчи Л-514 ҳаво тармоғи уланиб, Марказий Осиё Бирлашган энерготизими Россия Федерацияси ягона энерготизими билан параллел (мутаносиб) иш режими қайта тикланди. Соат 16:28да “Тошкент ИЭС”да 1-сон буғ-газ қурилмасида ишга қайта киритиш бўйича ишлар бошланди. Айни пайтда Ўзбекистон энерготизими Марказий Осиё ва Россия Федерацияси ягона энерготизими билан барқарор фаолият юритмоқда. Истеъмолчилар сифатли кўрсаткичларга эга электр энергияси билан таъминланмоқда. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/948<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/948<br>https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-met-markaziy-osiyo-birlashgan-energotizimida-sodir-bolgan-favqulodda-holat-yuzasidan-malumot-berdi_258796 |
| **168.** | **«Фарғона магистрал электр тармоқлари» филиалида мини футбол, волейбол ва баскетбол спорт майдонлари қурилмоқда**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳамда «Ўзбекистон МЭТ» АЖ бошқаруви раисининг тегишли буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йилнинг декабрь ойидан «Фарғона МЭТ» филиалида мини футбол, волейбол ва баскетбол спорт ўйингоҳлари ҳамда стол тенниси ва шахмат-шашка учун спорт хоналари қурилиши бошланган эди. Қурилиш ишлари филиалнинг Автотранспорт ва механизация гуруҳи ҳудудидаги 1200 метр/квадрат бўш ер майдонида амалга оширилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, спорт тадбирларини муносиб ўтказиш учун ҳозирланаётган шарт-шароитларга фарғоналик энергетик мутахассисларнинг барчаси хайрихоҳ. Мисол учун, мини футбол майдони қурилишига Автотранспорт ва механизация гуруҳи ходимлари, шунингдек, филиалнинг асосий иш вазифасидан ҳоли бўлган кўнгилли ходимлар, айниқса ёшлар кўмак беришмоқда. Мини футбол ўйингоҳига табиий чим қопламаси филиал ходимлари ёрдами билан ётқизилди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/951<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/951<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-04-18<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6699 |
| **169.** | Яшнобод туманидаги “Катта Қўйлиқ” маҳалласида «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида<br>**2021 йил 8 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишининг 19-сонли баёни қарорига мувофиқ Энергетика вазирлигига бириктирилган Яшнобод тумани, “Катта Қўйлиқ” маҳалласи ҳудудида 2021 йил апрель ойининг биринчи ярми ҳолатига «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:**<br>**✔Дафтарлар бўйича, ✔Ободонлаштириш ишлари бўйича…** | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/960<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/960<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6735 |
| **170.** | **Марказий Осиё бирлашган энерготизимида фавқулодда ҳолат юз берди**<br>2021 йил 17 апрель соат 15:24да Марказий Осиё Бирлашган энерготизимида Қозоғистон ва Қирғизистон энерготизимларини боғловчи 500 кВ кучланишга эга Л–514 электр тармоғи («Чу» ҳамда «Фрунзе» подстанцияларини боғловчи) носозлик туфайли фавқулодда ўчди.<br>Бунинг натижасида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Жанубий Қозоғистон энерготизимлари Россия Федерацияси ягона энерготизимидан маълум муддат ажралди, электр токи частота миқдори 48,61 Гц миқдоргача пасайди (частота миқдори 50,0 Гц бўлиши лозим). | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/949<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/949<br>https://xs.uz/uzkr/54357<br>https://parstoday.com/uz/news/middle_asia-i60518 |
| **171.** | **ПФ–6099-сон Фармон ижроси: «Самарқанд магистрал электр тармоқлари» филиалида мини футбол бўйича мусобақа ғолиблари аниқланди**<br>«Самарқанд магистрал электр тармоқлари» филиалида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–6099-сон Фармони ижроси юзасидан** ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ бир қатор спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.<br>*Хусусан, 2021 йилнинг апрель ойида филиал раҳбарияти, Касаба уюшмаси ва Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилотлари аъзолари ташаббуси билан “Самарқанд МЭТ” филиали ходимлари ўртасида мини футбол бўйича мусобақа ташкил этилди.* | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/959<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/959<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6721 |

| | | |
|---|---|---|
| **172.** | **«ХОРАЗМ МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР**<br>«Хоразм магистрал электр тармоқлари» филиали Хоразм вилоятида яшовчи аҳоли, фаолият юритаётган **саноат корхоналари, ўрта ва кичик бизнес ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий соҳа объектлари**, умуман олганда, **халқ хўжалигининг барча соҳалари ҳамда истеъмолчиларини** узлуксиз, сифатли электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилади. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/964<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/964<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/7001 |
| **173.** | **Нидерландия компанияси Сурхондарё вилоятида янги иссиқлик электр станция қуради**<br>2021 йилнинг 19 апрель куни "Stone City Energy" (Нидерландия) компанияси билан Сурхондарё вилоятида янги иссиқлик электр станциясидан Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисида битим имзолади. Қуввати 1 560 МВт бўлган иссиқлик электр станциясини қуриш лойиҳасининг умумий қиймати 1,2 миллиард долларни ташкил этади. Лойиҳа 2024 йилнинг якунига бориб ишга туширилиши режалаштирилган. | http://minenergy.uz/uz/news/view/1219<br>http://minenergy.uz/ru/news/view/1219<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/966<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/966 |
| **174.** | **ПРЕЗИДЕНТ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИНИНГ ИННОВАЦИОН МАРКАЗИНИ БОРИБ КЎРДИ**<br>Президент Шавкат Мирзиёев 23 апрель куни "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятининг Электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш маркази фаолияти билан танишди. Электр энергияси аҳоли учун ҳам, иқтисодиёт учун ҳам энг керакли манбалардан бири. Унинг барқарор таъминоти учун эса аниқ ҳисоб-китоб, замонавий технологиялар зарур. Шу мақсадда ҳар бир уй, корхона ва муассасага электрон ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда.<br>Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича жами 6 миллион 578 мингдан ортиқ истеъмолчи шундай ускуналар билан таъминланган. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/967<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/967<br>https://president.uz/uz/lists/view/4303 |
| **175.** | **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ–683-сон Қонуннинг мазмун-моҳияти бўйича**<br>"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ–683-сон Қонун қабул қилинди.<br>☑Қонун "Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги янги таҳрирдаги Қонун билан қонунчилик амалиётига киритилаётган айрим ўзгартиришларни амалиётга татбиқ этиш мақсадида ишлаб чиқилди.<br>☑Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатлари бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини ташкил этади.<br>☑Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонун ҳужжатларидир. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6898<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/979<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/979 |
| **176.** | **3 МАЙ — ЖАҲОН МАТБУОТИ ЭРКИНЛИГИ КУНИ**<br>Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида 1993 йилнинг 3 май куни ушбу санани "Халқаро матбуот эркинлиги куни" деб эълон қилиш ва шу кунда Халқаро матбуот эркинлиги куни нишонланиши ҳақида махсус резолюция қабул қилинган. Ўшандан буён ҳар йили 3 май санаси дунё бўйлаб Халқаро матбуот эркинлиги куни нишонланади. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/977<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/977 |
| **177.** | **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЙИРИК ШАМОЛ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛАДИ**<br>2021 йилнинг 3 май куни "ACWA Power", Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ўртасида шамол энергетикаси лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида битим имзоланди.<br>Мазкур лойиҳа Қорақалпоғистонда 1500 МВт қувватга эга шамол энергетикасини лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилишдан иборат бўлиб, у фойдаланишга топширилгандан сўнг Марказий Осиё минтақаси ва дунёдаги | http://minenergy.uz/uz/news/view/1237<br>http://minenergy.uz/ru/news/view/1237<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6900<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/981<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/981 |

| | | |
|---|---|---|
| | энг йирик шамол электр станциясига айланади. | http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/981 |
| **178.** | **“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан жалб этилган ташқи қарз бўйича қисқа маълумот**<br>«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти томонидан 2021 йилда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан жалб этилган ташқи қарз миқдори жами бўлиб 306.1 млн. АҚШ долларини ташкил этади.<br>Шундан, 2021 йил давомида халқаро молия институтлари томонидан давлат кафолати остида жалб этилган кредит мажбуриятлари бўйича чет эл валютасидаги ҳисоби 22,6 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит қарздорликларини сўндириш режалаштирилган.<br>Мисол учун, жорий йилнинг январь-апрель ойларида 8,1 млн. АҚШ доллари миқдорида қарзлар кредит графигига асосан ўз вақтида тўлаб берилди.<br>2021 йил 1 май ҳолатига муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмас. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/980<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/980<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/842<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/928 |
| **179.** | **Бугун Oʻ zLiDeP биносида “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштириш” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди**<br>Бугун, 2021 йил 5 май куни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Сиёсий кенгаш Ижроия қўмитаси “Oʻ zLiDeP PRESS KLUBI”нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Oʻ zLiDeP Ижроия қўмитаси биносида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сон фармони ижросига бағишланган давра суҳбатида “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти номидан Корпоратив муносабатлари бўлимининг мутахассиси Рустам Аҳмедов ҳам иштирок этди. Давра суҳбатининг мавзуси — “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштириш”. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/983<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/983<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6904<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-05-05 |
| **180.** | **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2021 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН МОДЕРНИЗАЦИЯ-РЕКОНСТРУКЦИЯ ИШЛАРИ ҲАҚИДА**<br>Видеолавҳа © «INFOgrafika» студияси маҳсулоти, «Energo-IT» филиали | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/982<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/982 |
| **181.** | **220 кВ кучланишли «Сирғали» подстанциясида аварияга қарши машғулотлар ўтказилди**<br>Видеолавҳа © "Инфографика" студияси маҳсулоти, "Energo-IT" филиали | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/991<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/991 |
| **182.** | **Бугун 500 кВ кучланишли “Тошкент” подстанциясида аварияга қарши машғулотлар ўтказилди**<br>Бугун, 5 май куни “Тошкент магистрал электр тармоқлари” филиали таркибидаги 500 кВ кучланишли “Тошкент” подстанциясида аварияга қарши машғулотлар ўтказилди. Бошқа филиал ва подстанциялар учун намунавий тадбир сифатида ўтказилган ушбу амалий машғулот машқлари «Ўзбекистон МЭТ» АЖ Мустаҳкамлик ва хавфсизлик техникаси хизмати мутасадди ходимлари томонидан Акциядорлик жамияти раҳбариятининг топшириғига биноан амалга оширилди. | https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-05-05-2<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/985<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/985<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6908 |
| **183.** | **ТАБИИЙ МОНОПОЛИЯ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАГИ КОРХОНАЛАР РЎЙХАТИ**<br>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 11 октябрда 2147-сон билан рўйхатга олинган Табиий монополия субъектларининг Давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низом, табиий монополия субъектларининг Давлат реестрини тузиш ва юритиш тартибини белгилайди. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/987<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/987 |
| **184.** | **РАҲБАР КАДРЛАР УЧУН ДАВЛАТ ТИЛИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ ТЕСТ СИНОВЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ**<br>© Янгиликлар 24 \| Раҳбар кадрлар учун давлат тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича дастлабки тест синовлари | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/990<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/990 |

| | | |
|---|---|---|
| | ўтказилди #6may #uzbekiston24 | |
| **185.** | **«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЭЪЛОНЛАРИНИ https://exarid.uzex.uz МАХСУС АХБОРОТ ПОРТАЛИДА КУЗАТИБ БОРИНГ!**<br>Ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчилар ҳамда тадбиркорлар диққатига!<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги ПҚ-4544-сонли қарорига биноан, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти қуйидаги харид лотларини эълон қилади. *Илтимос, 10 кун ичида ўз таклифларингиз билан иштирок этинг!* | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/984<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/984<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/984<br>http://uzbekistonmet.uz/en/lists/view/984 |
| **186.** | **ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР ТАҲЛИЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ**<br>*Мамлакатимизда бугунги кунда давлат иштирокидаги корхоналар сони 2 578 тани ташкил этади. Уларнинг 675 таси фаолиятсиз, тугатиш жараёнида ва бўлиб тўлаш шарти билан сотилган.*<br>□2020 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботлар таҳлили натижасига кўра, ҳисобот топширган 1903 та корхонанинг энг юқори соф фойда олган 20 та ва энг кўп зарар кўрган 10 та корхона рўйхати шакллантирилди. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/986<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/986 |
| **187.** | **«9 май — Хотира ва қадрлаш куни» муносабати билан Магистрал электр тармоқлари филиалларида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда**<br>Видеолавҳа © Ёш энергетиклар томонидан тайёрланган байрам табриги (ҳаваскорлик ролиги) | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/997<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/997 |
| **188.** | **ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ**<br>Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Энергетика муаммолари институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.<br>Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Энергетика вазирлигининг "Ўзбекэнерго" АЖ Илмий-техника маркази" МЧЖ негизида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Энергетика муаммолари институтини ташкил этилади. | https://yuz.uz/news/energetika-muammolari-instituti-tashkil-etildi-<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/993<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/993 |
| **189.** | **«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилоти фаолиятига бир назар**<br>Видеолавҳа<br>© "Инфографика" студияси маҳсулоти, "Energo-IT" филиали | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1003<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1003 |
| **190.** | **ФУҚАРОЛАР ҲАМ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШИ МУМКИН**<br>"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонун Президент томонидан имзоланди.<br>Қонунга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжат (НҲҲ) умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир.<br>Qonunning avvalgi tahriri *7 bob, 44 moddadan* iborat bo'lgan bo'lsa, yangisi yangi normalar bilan to'ldirilgani hisobiga *8 bob, 60 moddadan* iborat bo'ldi. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6934<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/994<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/994<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6928<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6898 |
| **191.** | **Онлайн: АЙНИ ПАЙТДА ЎЗБЕКИСТОНДА НАШР ЭТИЛАЁТГАН ИЛМИЙ ЖУРНАЛЛАРНИ ХАЛҚАРО МАЪЛУМОТЛАР БАЗАЛАРИГА КИРИТИЛИШИ ЮЗАСИДАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА**<br>Айни пайтда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ташкил этилган Ўзбекистонда нашр этилаётган илмий журналларни Халқаро маълумотлар базаларига киритилиши масалалари юзасидан давра суҳбати бўлиб ўтмоқда.<br>Унда ташкилот ва идоралардан қатнашаётган 200 нафардан зиёд масъул ходимлар қаторида «Ўзбекистон миллий электр тамоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг матбуот котиби — ахборот сиёсати масалалари бўйича | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6983<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1007<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1007<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-05-11 |

| | | |
|---|---|---|
| | маслаҳатчиси ҳам иштирок этмоқда. | |
| **192.** | **Ҳурматли уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, азиз Ватандошлар!**<br>**Дорогие наши ветераны войны и трудового фронта, уважаемые соотечественники!**<br>Сизларни 9 май – Хотира ва қадрлаш куни байрами билан самимий муборакбод этамиз!<br>Ҳар йили бу унутилмас сана ҳар биримизга иккинчи жаҳон урушидаги қаҳрамонликлари бугунги тинч ҳаётимиз бўлиш имкониятини берган ота-боболаримиз ва боболаримизнинг буюк ғалабасини эслатади! Ўзбек халқи улкан меҳнати билан фронт ортида озиқ-овқат ва кийим-кечак, қурол-яроғ ва барча зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаган, халқимизнинг ушбу хизмати Буюк ғалаба кунини яқинлаштирди.<br>Узбекистан стал домом для тысяч эвакуированных, здесь обрели семьи дети, дорогами войны оказавшиеся в Ташкенте, Самарканде, Коканде и других городах Узбекистана.<br>Всего, что было сделано народом для Победы просто не перечесть!<br>Низкий поклон всем ветеранам, которые встречают этот великий праздник вместе с нами! Вечная память тем, кого уже с нами нет. Вы и сегодня служите примером для молодых поколений узбекистанцев! | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6963<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1000<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1000<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/1000 |
| **193.** | **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественной церемонии, посвященной Дню памяти и почестей**<br>Европа, Осиё ва Африка қитъаларидаги 40 та давлатни бевосита қамраб олган уруш ҳаракатларига 110 миллион киши сафарбар этилгани ва бу қирғинда жами 70 миллион киши ҳалок бўлгани ҳар қандай одамни ларзага солади. Энг кўп қурбонлар собиқ Иттифоқ республикалари ҳиссасига тўғри келиб, қарийб 27 миллион кишини ташкил этганини бугун ҳам улкан қайғу ва изтироб билан эслаймиз. Ўзбекистон халқи бутун тараққийпарвар инсоният қаторида урушнинг биринчи кунларидан бошлаб фашизмга қарши жангга кирди. Ёвуз душманни тор-мор этиш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этди. Народ Узбекистана, потери которого огромны, внес неоценимый вклад в Великую Победу. Ярким доказательством служит то, что более 200 тысяч наших солдат и офицеров были награждены боевыми орденами и медалями. 301 наш соотечественник удостоен высокого звания Героя Советского Союза, более 70 – награждены орденом Славы всех трех степеней. В те суровые годы, когда решалась судьба человечества, Узбекистан превратился в надежный тыл по обеспечению фронта. | https://president.uz/uz/lists/view/4335<br>https://president.uz/oz/lists/view/4335<br>https://president.uz/ru/lists/view/4335<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/998<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/998<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/998 |
| **194.** | **«Имконият кутиб ўтирмасдан, уни излаш керак. Замон билан тенглашиб ишлаш керак», — Асаджон Ходжаев**<br>Учрашувда ахборот хизматлари ва матбуот котибларининг фаолияти ва уни ижтимоий тармоқларда ёритиш даражаси, ОАВ ва жамоатчилик мурожаатларига тезкор муносабат билдириши ҳамда белгиланган вазифа ва топшириқларни ўз вақтида бажариш интизоми муҳокама қилинди. | https://aoka.uz/uzb/news/1118<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1015<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1015 |
| **195.** | **“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳияти (ЎРҚ–687-сон, 2021 йил 27 апрель)**<br>Эътиборингизга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2021 йил 6 майдаги 8/091/2074-сонли мурожаатига асосан жорий йилнинг 27 апрелида қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги ЎРҚ–687-сон Қонунининг** мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш, шунингдек, жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан тақдим этилган тарғибот матни ва слайдларини ҳавола этамиз. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6967<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-05-10<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/999<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/999 |
| **196.** | **«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти Ахборот хизматининг utube.uz таълим видеопорталидаги саҳифаларини томоша қилинг! (2021 йил, апрель-май)**<br>Акциядорлик жамиятининг uzbekistonmet.uz веб-саҳифасидаги хабар ва янгиликлар, маълумот ва эълонлар,таҳлилий | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/7001<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1020 |

| | | |
|---|---|---|
| | мақолалар ҳамда фото-видео материаллар билан танишиб боринг! | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1020 |
| **197.** | **“МАҲАЛЛАБАЙ” ИШЛАШ ТИЗИМИ САМАРАСИ**<br>9 май – “Хотира ва қадрлаш куни” муносабати билан кўп йиллардан буён маҳаллада истиқомат қилувчи афғон уруши фахрийси Шониёз Мавлонов хонадони байрам совғаси сифатида мукаммал таъмирланиб ўз эгаларига топширилди.<br>Хонадон аҳли амалга оширилган қурилиш ишлари ва яратиб берилган маиший шароитлардан мамнун эканликларини билдиришди. | http://minenergy.uz/uz/news/view/1250<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1001<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1001<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6971 |
| **198.** | **"ФАРҒОНА МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ" ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР**<br>Видеолавҳа © «O'zbekiston-24» telekanali mahsuloti / FARG‘ONA VILOYATI ELEKTR TARMOQLARI<br>ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАГИ “ЎЗГАРИШ” ПОДСТАНЦИЯСИДА ЮҚОРИ ҚУВВАТЛИ АВТОТРАНСФОРМАТОРНИ ЎРНАТИШ ИШЛАРИ ЯКУНЛАНДИ | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1021<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1021<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/4937 |
| **199.** | **Энергетика вазирлиги муқобил энергия манбаларини ривожлантириш бўйича Франция компанияси билан ҳамкорлик қилади**<br>2021 йилнинг 10 май куни Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва “Assystem Engineering and Operation Services” (Франция) ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.<br>Ҳужжатни энергетика вазирининг ўринбосари Шерзод Ходжаев ва “Assystem Engineering and Operation Services” компаниясининг бош директори Стефан Обарбье имзолади.<br>Мазкур меморандумни имзолашдан мақсад қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида стратегик шерикликни кенгайтириш салоҳиятини ўрганишдир. | http://minenergy.uz/uz/news/view/1251<br>http://minenergy.uz/ru/news/view/1251<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1004<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1004<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/1004<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/133<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/134 |
| **200.** | **АОКАда брифинг: «Юқори кучланишли электр узатиш тармоқлари остидаги ер майдонларининг ҳимоя зонаси»**<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси топшириғига биноан 2021 йил 11 май куни АОКАда ўтказилган ва онлайн эфирга узатилган брифинг савол-жавоблари<br> Юқори кучланишли электр узатиш тармоқлари остидаги ер майдонларининг ҳимоя зонаси неча метр қилиб белгиланган?<br> Юқори кучланишли электр узатиш тармоқлари муҳофаза зоналаридаги ер майдонларида деҳқончилик қилиш мумкинми?<br> Юқори кучланишли электр узатиш тармоқлари атрофидаги ер майдонларида боғдорчилик ишларини олиб бориш мумкинми?<br> Юқори кучланишли электр узатиш тармоқлари ва подстанциялар яқинига уйлар (чайла, омбор, ҳовуз, шийпон биноси ва бошқа қурилма ҳамда иншоотлар) қуриш мумкинми?<br> Ҳоким қарорлари билан юқори кучланишли электр узатиш тармоқлари остида яшаш учун уй-жой ажратилиб, бино ва иншоотлар қурилган бўлса, уларни бузиш учун компенсация қандай тўланади?<br> Юқори кучланишли электр узатиш тармоқлари остидаги ер майдонларидан қандай ҳолатларда фойдаланиш мумкин ва бунга ким томондан рухсат берилади?<br>Улуғбек Урунов, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқарув раисининг матбуот котиби — ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1005<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1005<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/7071<br>https://t.me/Rasmiy_xabarlar_Official/16264<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-05-10-2<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6989<br>https://taftish.uz/2021/05/12/juqori-kuchlanishli-jelektr-uzatish-tarmoqlari-ostidagi-er-maydonlarining-himoya-zonasi-mavzusida-brifing-b-lib-tdi/<br>https://bugun.uz/2021/05/11/ozbekistonda-yuqori-kuchlanishli-elektr-uzatish-tarmoqlari-yaqiniga-uj-qurish-mumkinmi/ |
| **201.** | **Маҳаллабай ишлаш тизими давом эттирилмоқда**<br>✓ «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятига бириктирилган Тошкент шаҳри, Яшнобод | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1037<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1037 |

| | | |
|---|---|---|
| | туманидаги «Катта-Қўйлиқ» маҳалласида яшовчи, "Темир дафтар"га тушган кам таъминланган 5 та оила аъзоларига Акциядорлик жамияти Бирлашган касаба уюшмаси томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. | |
| **202.** | **«1 августга қадар АСКУЭ тизимини 100 фоиз ишга тушириш шарт» — Шавкат Мирзиёев**<br>Давлат раҳбари Энергетика вазири Алишер Султанов, вазир ўринбосари Шерзод Ходжаевга «Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекгидроэнерго» билан бирга, саноат тармоқлари, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли эҳтиёжларини тўла қондириш учун, иккинчи чоракда жами 15,5 миллиард киловатт электр энергияси ишлаб чиқариши зарурлигини айтди.<br>«Султанов (Энергетика вазири — таҳр.), Улуғбек Мустафоев («Ҳудудий электр тармоқлари» бошқаруви раиси — таҳр.) вилоят ҳокимлари билан бирга, жорий йил 1 августга қадар, мавжуд кечикишни тўлиқ бартараф этган ҳолда, АСКУЭ тизимини 100 фоиз ишга тушириши шарт», — деди президент. | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1027<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1027 |
| **203.** | **«Фарғона магистрал электр тармоқлари» филиали: Ёшлар билан янгича фикрлаш хусусида давра суҳбати бўлиб ўтди**<br>угун, 2021 йилнинг 11 май куни «Фарғона магистрал электр тармоқлари» филиалида 35 ёшгача бўлган ишчи-ходимлар ўртасида “Инновацион — янгича фикрлаш методлари” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.<br>Тадбирни филиал директори Ғ.Шерматов очиб берди. Филиал директори ўз сўзида мамлакатимизда ёшларга берилаётган имкониятлар ҳақида сўзлаб, Президентимиз томонидан олиб бораётган ёшларга оид давлат сиёсати ҳақидаги дастлабки тушунчаларнинг мазмун-моҳияти билан ўртоқлашди. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/6991<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1013<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1013<br>https://telegra.ph/uzbekistonmetuz-05-11-2 |
| **204.** | **ЕР ВА КАДАСТР НАЗОРАТИ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ИШЛАР**<br>2021 йилнинг 30 апрель кунидаги ҳисоботга кўра Ер ва кадастр назоратчилар томонидан аниқланган Ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳолатлари республикамиз бўйлаб 6 799 ҳолатда жами 1467 гектар майдонни ташкил этади. Ушбу ерларни фуқароларимиз ва қўштирноқ ичидаги уддабурон тадбиркорларимиз қуйидаги мақсадларда ўзбошимчалик билан эгаллаб олганликлари маълум бўлди: | https://telegra.ph/Er-va-kadastr-nazorati-b%D1%9Ejicha-olib-borilgan-ishlar-05-17<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1035<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1035 |
| **205.** | **«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЭЪЛОНЛАРИНИ https://exarid.uzex.uz МАХСУС АХБОРОТ ПОРТАЛИДА КУЗАТИБ БОРИНГ!**<br>Ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчилар ҳамда тадбиркорлар диққатига!<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги ПК-4544-сонли қарорига биноан, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти қуйидаги харид лотларини эълон қилади:<br>*Илтимос, 10 кун ичида ўз таклифларингиз билан иштирок этинг!* | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/984<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/984<br>http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/984<br>http://uzbekistonmet.uz/en/lists/view/984 |
| **206.** | **ОАВ: «Келгуси йилда электр энергияси сарфи 10 фоизга ўсиши кутилмоқда» – Жамшид Кўчқоров**<br>Шавкат Мирзиёев макроиқтисодий вазият, ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича биринчи ярим йилликдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказмоқда. Унда бош вазир ўринбосари Жамшид Кўчқоровга сўз берилди. “Ҳурматли президент, ҳозир иқтисодий ўсишимиз 3,2 фоизни ташкил қилган бўлса, агар имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланганимизда бу кўрсаткич 8 фоизга етарди.<br>Электр энергиясига тўхталдик. Ҳисоб-китобларимизга кўра келгуси йилда электр энергияси сарфи 10 фоизга ўсиши кутилмоқда. Бу 7,5 млрд киловатт дегани. | https://kun.uz/news/2021/05/12/kelgusi-yilda-elektr-energiyasi-sarfi-10-foizga-osishi-kutilmoqda-jamshid-qochqorov<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1023<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1023 |
| **207.** | **Биринчи чоракдаги иқтисодий кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, устувор вазифалар белгиланди / Проанализированы экономические показатели за первый квартал и определены приоритетные задачи**<br>Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 12 май куни ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича биринчи чоракдаги кўрсаткичлар таҳлили ҳамда жорий йилги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. / На совещании рассмотрен и вопрос трансформации государственных предприятий. Даны | https://president.uz/uz/lists/view/4355<br>https://president.uz/ru/lists/view/4355<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1025<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1025 |

| | | |
|---|---|---|
| | указания по ускорению процессов трансформации в акционерных обществах «Худудгазтаминот», «Уздонмахсулот», «Агросервис», «Агролизинг». | http://uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/1025 |
| **208.** | **uzbekistonmet.uz: No comment…**<br>Тошкент ва Фарғона шахри... Энергия тежамкорлиги ва самаадорлиги масалалари | http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1044<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1044<br>http://uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1043<br>http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1049 |
| **273.** | **Энергетика вазирлиги тизимида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги бўйича жамоатчилик эшитуви бўлиб ўтди**<br>Эшитувда Энергетика вазирлиги мутахассислари томонидан соҳада амалга оширилаётган ишлар, хусусан истеъмолчиларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлаш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар тўғрисида маълумот берилди. Масалан, йил якунига қадар электр энергетика соҳасида генерация қувватлари ҳажми 14 минг мегаваттдан 15 минг 800 мегаваттгача етказилади ёки 1 минг 800 мегаваттга оширилади. 2016 йилга нисбатан эса 52 фоизга кўп генерация қувватларига эга бўлинади. | http://minenergy.uz/uz/news/view/1272<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1074<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1074 |
| **274.** | **ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ АНИҚЛАБ ДАВОЛАШДАН КЎРА, УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИНИ КЎРИШ БИРМУНЧА САМАРАЛИРОҚ**<br>«Тошкент магистрал электр тармоқлари» филиали тасарруфидаги «Чирчик», «Саодат», «Тошкент-500», «Сирғали», «Адолат» ҳамда «Чиноз» подстанцияси ишчи-ходимлари учун жорий йилнинг 25–28 май кунлари «COVID-19» — коронавирус инфекциясига қарши кураш мавзусида ўқув семинари ўтказилди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1075<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1075<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/7195 |
| **275.** | **«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Д.А.Исақуловнинг 2021 йил 1–5 июнь кунлари Санкт-Петербург халқаро иқтисодий форуми (СПХИФ) доирасидаги хорижий ҳамкорлар билан учрашуви натижалари бўйича ҳисоботи**<br>«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Д.А.Исақуловнинг 2021 йил 1–5 июнь кунлари Санкт-Петербург халқаро иқтисодий форуми (СПХИФ) доирасидаги хорижий ҳамкорлар билан учрашуви Ахборот хизмати томонидан ёритиб борилди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1114<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1114 |
| **276.** | **Ўзбекистон Президенти "Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик – 2030" халқаро саммитида иштирок этди**<br>30 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан Сеул шаҳрида видеоанжуман шаклида ўтаётган "Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик – 2030" иккинчи халқаро саммити ишида иштирок этди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1078<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1078 |
| **277.** | **Президент Сурхондарё вилоятига ташрифини Шербоддан бошлади. Туманда қуёш фотоэлектр станцияси қурилишига старт берилди**<br>Президент Шавкат Мирзиёев 1 июнь куни Сурхондарё вилоятига келиб, Шеробод туманидаги қуёш фотоэлектр станцияси қуриладиган майдонга борди.<br>Лойиҳа доирасида мазкур компания томонидан қуввати 457 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси қурилади. Шунингдек, 220 кВт кучланишли янги нимстанция ва «Сурхон» нимстанциясига уланиш учун 52 километрлик электр узатиш тармоғи барпо этилади. | https://kun.uz/79325018<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1084<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1084 |
| **278.** | **Санкт-Петербург халқаро иқтисодий форуми доирасида ўзаро манфаатли битимлар имзоланиши кутилмоқда**<br>«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Д.А.Исақулов халқаро иқтисодий форумида иштирок этиш учун Санкт-Петербург шаҳрига йўл олди. Эртага, 2021 йил 2 июнь куни Россия Федерациясининг маданий пойтахти — Санкт-Петербург шаҳрида анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган халқаро | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1079<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1079<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/7216<br>https://uza.uz/uz/posts/sankt-peterburg-xalqaro- |

| | | |
|---|---|---|
| | иқтисодий форум ўз ишини бошлайди. Форумда «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Д.А.Исақулов ҳам иштирок этади. Санкт-Петербург халқаро иқтисодий форуми 2–5 июнь кунлари давомида ўтказилиб, бу йилги халқаро тадбир бизнес дастури ҳам анъанага кўра дунё ҳамжамияти ва Россия Федерацияси иқтисодиёти, ижтимоий муаммолар ечими ва рақамли технологияларни ривожлантириш масалаларига бағишланади. | iqtisodiy-forumi-doirasida-ozaro-manfaatli-bitimlar-imzolanishi-kutilmoqda_272371<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/7223 |
| **279.** | **ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК УЧРАШУВЛАРИ АНОНСИ**<br>Видеолавҳа © "Инфографика" студияси маҳсулоти, "Energo-IT" филиали | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1116<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1116<br>https://www.uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/1116 |
| **280.** | **ҚЎШНИ ДАВЛАТ ҲУДУДИДА СОДИР БЎЛГАН НОСОЗЛИК БАРТАРАФ ЭТИЛИБ, ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ТИКЛАНДИ**<br>«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти Ахборот хизмати Миллий диспетчерлик маркази маълумотларига таяниб хабар беради:<br>*Кеча, 2021 йил 2 июнь куни кучли шамол пайтида, аниқроғи соат 20:31 да 22- ва 23-сонли гидроэлектрстанциялар оралиғидаги 110 кВ кучланишли электр тармоғи қисқа туташув туфайли фавқулодда ўчган. Мазкур ҳаво линияси «Тошкент магистрал электр тармоқлари» филиали таркибида бўлиб, ушбу электр тармоғининг бир қисми Қозоғистон Республикаси ҳудудидан ўтган.* | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1082<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1082<br>https://t.me/Yangiyolliklar/22769 |
| **281.** | **ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ ТАДБИРЛАРИ ҲАМДА ТИББИЙ-ПРОФИЛАКТИК КЎРИКЛАР АНОНСИ**<br>Видеолавҳа © "Инфографика" студияси маҳсулоти, "Energo-IT" филиали | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1118<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1118 |
| **282.** | **САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ФОРУМИДА ҲАМКОРЛИК БИТИМЛАРИ, КЕЛИШУВ ВА ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНМОҚДА**<br>Дунёнинг юздан ортиқ мамлакатидан ташриф буюрган иштирокчилар қатнашаётган Форум ишида махсус мулоқот ва келишув майдончалари ташкил этилган бўлиб, унда ҳамкорлик битимлари, келишув ва шартномалар имзоланмоқда.<br>**Эслатиб ўтамиз,** Санкт-Петербург халқаро иқтисодий форумида халқаро ҳамкорлар таклифига биноан «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ҳамда «Ўзбекистон МЭТ» АЖ бошқарув раисининг инвестиция масалалари бўйича ўринбосари иштирок этмоқда. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1081<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1081<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/7223 |
| **283.** | **Ўзбекистон ва Россия Энергетика вазирлари ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар**<br>Жорий йилнинг 3 июнь куни Санкт-Петербург халқаро иқтисодий форуми доирасида Ўзбекистон Энергетика вазири Алишер Султанов Россия Энергетика вазири Николай Шульгинов билан энергетика соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1083<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1083<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/7253<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/7255 |
| **284.** | **“ХИМИЯ” ПОДСТАНЦИЯСИДА СОДИР БЎЛГАН НОСОЗЛИК САБАБЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА**<br>Яқинда «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятининг расмий веб-сайтида «“Химия” подстанциясида электрэнергия таъминотидаги узилиш “Навоийазот” АЖда режадан ташқари тўхталишларга сабаб бўлди» номли хабарнома эълон қилинди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1127<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1127 |
| **285.** | **Юқори кучланишли электр тармоқлари замонавий ҳамда чидамли — кўп йиллик эксплуатацияга яроқли изолятор ва электр жиҳозлари билан жиҳозланиши режалаштирилмоқда**<br>Санкт-Петербург халқаро иқтисодий форуми доирасида «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Д.А.Исақулов “Жанубий Урал арматура ва изолятор заводи” АЖ стратегик лойиҳалар департаменти бошлиғи Роман Еловенко билан учрашди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1091<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1091 |
| **286.** | **Ўзбекистон Республикасида МТО технологиясига асосланган янги газ-кимё мажмуасини молиялаштириш тўғрисида ўзаро англашув меморандум имзоланди**<br>Санкт-Петербург, Россия, 2021 йил 4 июнь. – бугун «Jizzakh Petroleum» МЧЖ ҚК, «Газпромбанк» акциядорлик компанияси, «ВЕБ.РФ» давлат ривожланиш корпорацияси ва Россия экспорт кредитлари ва инвестицияларни суғурталаш агентлиги (ЭХИАР) ўртасида янги газ-кимё мажмуасини молиялаштириш бўйича ўзаро англашув | http://minenergy.uz/uz/news/view/1282<br>http://minenergy.uz/ru/news/view/1282<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1097<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1097 |

| | | |
|---|---|---|
| | тўғрисида тўрт томонлама меморандум имзолади. МТО (метанолдан-олефинлар) технологиясига асосланган газ-кимё мажмуасини Ўзбекистоннинг Бухоро вилоятида барпо этилишга қарор қилинди.<br>Меморандумнинг имзоланиши тахминий 800 миллион АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳа молиялаштириши ва молиялаштириш билан боғлиқ хатарларни суғурталаш бўйича келажакдаги ҳамкорлик учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. | |
| **287.** | **«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти ҳамда Россия Федерациясининг «Россети» акциядорлик компанияси стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битимни амалга ошириш бўйича Йўл харитасини тасдиқладилар**<br>*“Россия ва Ўзбекистон энергетика тизими, шу жумладан электр тармоқлари азалий ҳамда мустаҳкам алоқаларга эга. Бизда умумий урф-одатлар, ягона муҳандислик мактаби ва бир-бирига яқин, ўхшаш соҳа стандартлар ҳамда талаблар мавжуд. Бу Ўзбекистонда энергетика соҳасини ривожлантириш, илғор технологик ечимларни жорий этиш, халқаро ҳамкорлик соҳасида мамлакатларнинг энергетика мутахассисларининг ваколатларини кенгайтиришга қаратилган кенг кўламли қўшма лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш учун замин яратмоқда»,* – деди Андрей Рюмин. *«…Биз хорижий ҳамкорлар билан магистрал электр тармоқлари ҳамда юқори кучланишли подстанцияларни ривожлантириш бўйича Ҳукуматимиз топшириқ ва кўрсатмаларига асосан бир қатор ишларни амалга оширмоқдамиз. Шу жумладан, «Россети» билан ҳамкорлигимиз 2019 йил 2–4 октябрь кунлари Москва шаҳрида ўтказилган «Россия Энергетика ҳафталиги» (РЭҲ) халқаро форуми доирасидаги учрашувларимиздано̆қ бошланган эди. Ўзбекистон–Россия энергетика соҳасидаги ҳамкорлик даражаси бугунги келишувлардан сўнг янги босқичга кўтарилади, деб ҳисоблаймиз»,* – деди Дадажон Айнакулович. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/7236<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1080<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1080<br>«Россети» утвердили дорожную карту с узбекистанскими коллегами<br>"Рамблер"<br>https://ko.ru/news/<br>https://news.mail.ru/<br>https://tehnowar.ru/<br>https://uza.uz/uz/<br>https://dunyo.news/uz/<br>"Россети" и узбекистанская электросетевая компания согласовали планы сотрудничества |
| **288.** | **Ўзэнергоинспекция: электр узатиш тармоғининг муҳофаза майдонида ноқонуний қурилишни олди олинди**<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги 1050-сон қарори билан “Электр тармоғи хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш қоидалари” тасдиқланган бўлиб, унда электр узатиш тармоқларининг муҳофаза майдонлари қанча масофада эканлиги ва ушбу ҳудудларда қандай ишларни амалга ошириш мумкинлиги ёки бажариш мумкин эмаслиги тўғрисида барча талаблар баён этилган. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1102<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1102 |
| **289.** | **Таҳлилсиз танқид – чангга қурилган қаср кабидир!**<br>Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш – бугун нафақат Ўзбекистонда, балки инсоният яшаб турган Ер шарида ҳам глобал масала ҳисобланади. Юлий Юсупов ижтимоий тармоқдаги саҳифаси орқали эълон қилинган “Экономика катастроф: когда реформа в энергетике?” сарлавҳали постида бу борада ўз таклифларини илгари суради. Унинг фикрлари ва таклифларини ўқиб, киши таажжубга тушади. Гўёки, соҳада ҳеч қандай ислоҳотлар амалга оширилмаётгандек. Ёки бўлмаса, 4 йил олдинги энергия таъминоти билан боғлиқ ҳақиқий ҳолатни билмагандек. | https://xs.uz/uzkr/post/tahlilsiz-tanqid-changga-qurilgan-qasr-kabidir |
| **290.** | **"Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти раҳбариятининг 2021 йил 2-5 июн кунлари амалга оширган хизмат сафари ҳисоботи**<br> Юқори кучланишли электр тармоқлари замонавий ҳамда чидамли — кўп йиллик эксплуатацияга яроқли изолятор ва электр жиҳозлари билан жиҳозланиши режалаштирилмоқда | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1100<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1100 |
| **291.** | **ОАВ ««Янги Ўзбекистон» мавзули йирик медиадастур учун бюджет ташкилотларидан пул йиғилмоқда»**<br>Унда ассоциация томонидан «Янги Ўзбекистон, Янги нигоҳ» миллий медиа дастури ишлаб чиқилаётгани, медиадастурда 60дан ошиқ медиа лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилгани ҳақида сўз боради. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1128<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1128 |
| **292.** | **8 июнь — Хавфсизлик техникаси куни**<br>Маълумки, асосан юқори кучланишли электр тармоқлари ва подстанцияларни эксплуатация қилиш билан шуғулланувчи «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятида Хавфсизлик техникаси бўйича тез-тез турли тадбир ва машғулот ҳамда назорат ўрганишлари ўтказиб турилади. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1111<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1111 |
| **293.** | **«Нимстанция» ёки «подстанция»?**<br>Масалан, «нимстанция» сўзи умумхалқ эътирофидан ўтмади, деб ҳисоблаймиз. Боиси «под» русча олд қўшимчасини | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1131<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1131 |

| | | |
|---|---|---|
| | «ним», «…дан кейин» тарзида маъно таржима қилингани билан — асли лотин, кейин инглиз, бизга эса рус тилидан кириб келган «станция» сўзига мос келадиган муқобил йўқ.<br>Хулоса: «Нимстанция» сўзини ўзлаштирма сўз (олинма сўз) туркуми шартларига биноан «подстанция» шаклида қабул қилганимиз маъқул.<br>«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти кутубхонаси, "Ахборот хизмати тавсиялари" қўлланмасидан парча | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/7275 |
| **294.** | **«Сурхондарё магистрал электр тармоқлари» филиали таркибидаги 220 кВ кучланишли «Денов» подстанциясида хавфсизлик техникаси талабларига тайёргарлик даражасини ўрганилди**<br>«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Х.Б.Элмуродовнинг махсус кўрсатмасига биноан бугун, 8 июнь — “Хавфсизлик техникаси куни” этиб белгиланган бўлиб, айни пайтда масъул мутахассислар 5 та магистрал электр тармоқлари филиаллари таркибидаги подстанцияларда хавфсизлик техникаси талабларини ўрганишмоқда. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1113<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1113 |
| **295.** | **Ўзбекистондаги илк қуёш электр станцияси — эксклюзив репортаж**<br>292 мингта қуёш панели. 268 гектар ер майдони. 600дан ортиқ инвертер. 1000 км.дан ортиқ турли кабеллар. Бу – Ўзбекистондаги илк «Навоий Нур» қуёш электр станциясининг техник тавсифлари. 110 млн долларлик объект режа бўйича шу йилнинг 3-чорагида фойдаланишга топширилади. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1141<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1141 |
| **296.** | **“Тошкент магистрал электр тармоқлари” филиали: “Адолат” ва “Чирчиқ” подстанцияси амалга оширилаётган модернизация-реконструкция ишлари тўғрисида ҳисобот**<br>*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 сентябрдаги «Жаҳон банки иштирокида магистрал электр тармоқлари нимстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш тўғрисида»ги 3284-сонли қарорига асосан «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти тасарруфидаги “Тошкент магистрал электр тармоқлари” филиали таркибидаги подстанцияларда олиб борилаётган қурилиш-монтаж ишлари тўғрисида маълумот (2021 йил 1 июнь ҳолатига).* | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1112<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1112 |
| **297.** | **WindEurope Европа шамол энергетикаси уюшмаси 2025 йилдан бошлаб шамол турбиналарининг ишга яроқсиз парракларини ерга кўмишни бутун Европа бўйлаб таъқиқлалашни жорий қилишга чақирди**<br>Испания шамол энергетикаси уюшмаси (AEE) нинг йиллик конгрессида бу ҳақида уюшма раҳбарлари Европа комиссиясига тегишли мурожаат билан сўзга чиқишди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1146<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1146 |
| **298.** | **220 кВ кучланишли «Сирғали» подстанциясида Хавфсизлик техникаси куни тадбирлари ўтказилди**<br>«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Х.Б.Элмуродовнинг махсус кўрсатмасига биноан кеча, 8 июнь куни Акциядорлик жамияти тасарруфидаги 5 та вилоят магистрал электр тармоқлари таркибидаги 220–500 кВ кучланишли подстанцияларда Хавфсизлик техникаси куни тадбирлари ўтказилди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1115<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1115 |
| **299.** | **"Ўзбекистон учун 100 ғоя" лойиҳаси 30 000 нафар ёшни қамраб олади**<br>АОКАда Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи, Инновацион ривожланиш вазирлиги мутасаддилари иштирокида бўлиб ўтаётган матбуот анжуманида "Ўзбекистон учун 100 ғоя" лойиҳаси ҳақида маълумот берилди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1151<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1151 |
| **300.** | **Тожикистон Республикасидан Ўзбекистонга мавсумий (мелиорация даврида) электр энергияси импорт амалиёти юзасидан маълумотнома**<br>2021 йил 4 май санасида “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ва “Барки Точик” ОАХК ўртасида шартнома расмийлаштирилиб, 2021 йил май-сентябрь ойларида жами 1 430,0 млн. кВт•соат электр энергияси импорт қилиниши белгиланган. 2021 йил май ойида шартномага кўра **270,0 млн. кВт•соат** электр энергияси импорти белгиланган бўлиб, амалда (тезкор) **197,4 млн. кВт•соат** электр энергияси импорт қилинди. | https://t.me/uzmetaxborotxizmati/7294<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1119<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1119<br>https://taftish.uz/2021/06/10/tojikiston-respublikasidan-zbekistonga-mavsumiy-melioraciya-davrida-jelektr-jenergiyasi-import-amaliyoti-juzasidan-malumotnoma/ |
| **301.** | **Коронавирус пандемияси бошланганига бир йилдан ортиқ вақт бўлди, аммо ҳануз эпидемиологик вазият** | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1159 |

| | | |
|---|---|---|
| | **барқарорлашгани йўқ.**<br>**Мамлакатимизда ҳам, дунёда ҳам...**<br>Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ва қўшни республикалардан импорт қилинаётган электр энергиясини истеъмолчиларга тақсимлаб берувчи паст кучланишли тармоқларга етказиб берувчи — юқори кучланишли электр тармоқлари ҳамда подстанциялар муҳандислари ҳам соҳанинг бошқа тармоқлари каби кеча-ю кундуз, ҳафтада етти кун давомида меҳнат фаолияти олиб боришади. Демакки, улар ўртасида мулоқот узвий... | https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1159 |
| **302.** | **Online: Айни пайтда “Сурхондарё МЭТ” филиалида муҳим объектларда хизмат хавфсизлик, саноат ва ёнғин хавфсизлиги масалаларига бағишланган семинар ўз ишини давом эттирмоқда**<br>✔ “Тоифаланган объектни муҳандислик ва техник қўриқлов воситалари билан жиҳозланиши, саноат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкиллаштириш” мавзуси. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1165<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1165 |
| **303.** | **Депутатлар иқтисодчининг энергетика соҳасида ислоҳотлар қачон бошланиши ҳақидаги саволини танқид қилди**<br>Қонунчилик палатасининг икки нафар депутати иқтисодчи Юлий Юсуповнинг Ўзбекистон энергетика соҳасини ислоҳ қилиш қачон бошланиши сўраб, эълон қилган постини танқид остига олди. Халқ вакилларининг таъкидлашича, мамлакат энергетика соҳасида аллақачон, салмоқли ишлар бажарилган, ҳозирги узилишлар эса — «йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларнинг оқибати». | https://www.gazeta.uz/uz/2021/06/10/energy/<br>https://daryo.uz/k/2021/06/10/qonunchilik-palatasi-deputatlari-iqtisodchining-energetika-sohasida-islohotlar-qachon-boshlanishi-haqidagi-savolini-tanqid-qildi/<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1123<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1123 |
| **304.** | **27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги ПК-4366-сон қарорига асосан Жамият бошқаруви раисининг 2019 йил 3 июлдаги 29-сонли буйруғига биноан «Ўзбекистон МЭТ» АЖ таркибида Ахборот хизмати ташкил этилган. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1171<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1171 |
| **305.** | **Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистонга жўнаб кетди**<br>Аввал хабар қилинганидек, олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилиниши режалаштирилган. Хусусан, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш йўналишлари кўриб чиқилади. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1121<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1121<br>http://https//president.uz/uz/lists/view/4410 |
| **306.** | **Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1169<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1169 |
| **307.** | **uzbekistonmet.uz: «ТОШКЕНТ ШАҲАР МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» ФИЛИАЛИ**<br>«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти тасарруфидаги «Тошкент шаҳар магистрал электр тармоқлари» филиали Акциядорлик жамияти таркибидаги бошқа филиаллар каби электр энергиясини энергия ишлаб чиқарувчи корхоналардан ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига етказиб берилишини амалга ошириш *(транспортировка)*, магистрал электр тармоқларини таъмирлаш, шунингдек, бошқа давлатларнинг электр тармоқлари билан ўзаро алоқаларда иштирок этиш билан шуғулланади. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1125<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1125 |
| **308.** | **Ўзбекистон – Тожикистон: дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари янги босқичда**<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 10 июнь куни расмий ташриф билан Тожикистонга келди.<br>Душанбе халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон кутиб олди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1124<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1124 |
| **309.** | **Ўзбекистон ва Тожикистон Зарафшон дарёсида икки ГЭС қуради. Алишер Султонов тафсилотларни очиқлади**<br>Шавкат Мирзиёевнинг Душанбега ташрифи чоғида қатор ҳужжатлар, хусусан, энергетика соҳасида ҳам ҳамкорлик битимлари имзоланди. Ташрифни бевосита ёритаётган Kun.uz мухбири энергетика вазири Алишер Султонов билан суҳбатда бўлди. | https://kun.uz/33985481<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1126<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1126 |

| | | |
|---|---|---|
| 310. | **«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятининг кадрлар малакасини ошириш бўйича халқаро алоқалари хорижий ОАВ эътирофида**<br>*Россия Федерациясининг рус ва инглиз тилида чоп этиладиган «ЭЛЕКТРОЭНЕРГИЯ: передача и распределение» журналининг 2021 йилги 2-сонида «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти ҳамда Петербург энергетика малака ошириш институти (ПЭИПИ) билан имзоланган битим ва унинг аҳамияти ҳақида мақола чоп этилди.* | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1130<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1130 |
| 311. | **Энергетика вазирлиги: соҳани ислоҳ қилиш ва унинг салоҳиятини ошириш ишлари қандай кетмоқда?**<br>Ўзбекистоннинг энергетика соҳасида ислоҳот босқичлари давом этмоқда ва ишлаб чиқариш кувватларини модернизация қилиш ва кенгайтириш ишлари тизимли равишда олиб борилмоқда. Бундан кўзланган мақсад саноатни бозор муносабатларига ўтказиш, сўнгги ўн йилликларда етарлича эътибор берилмаган инфратузилмани янгилаш, республикамизда истеъмолчиларнинг энергия ресурсларига ўсиб бораётган талабини таъминлашдан иборат. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1133<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1133 |
| 312. | **ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ БЎЙИЧА ДУНЁ ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛАДИ**<br>Айни пайтда Тошкент сити мажмуасининг “Хилтон” конгреслар залида «Икс Холдинг» компанияси томонидан ташкил этилган семинар бўлиб ўтмоқда. Унда «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти раҳбарияти ҳам иштирок этмоқда.<br>Семинар мавзуси «Ўзбекистон ёқилғи-энергетика тизимини рақамлаштириш концепциясини ишлаб чиқиш» хусусида бўлиб, унда энергетика соҳасини рақамлаштириш жараёни ва унинг босқичлари бўйича дунё тажрибаси ҳақида сўз юритилади. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1136<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1136 |
| 313. | **Халқаро экспертлар ва соҳа вакиллари ёқилғи-энергетика мажмуасини рақамлаштириш соҳасидаги илғор жаҳон тажрибаларини муҳокама қилдилар**<br>Жорий йилнинг 15 июнь куни Тошкент шаҳрида Россиянинг “ИКС Холдинг” кўп тармоқли АТ-гуруҳи томонидан ва Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги кўмагида ташкил этилган “Ёқилғи-энергетика мажмуасини рақамлаштириш соҳасидаги илғор жаҳон тажрибалари” мавзусидаги икки кунлик стратегик сессияда 300 дан ортиқ энергетика вакиллари ва мутахассислар йиғилдилар. Экспертлар қаторига етакчи халқаро компаниялар вакиллари, жумладан “Accenture”, “Россети”, “Газпром Нефть” компаниялари, шунингдек, Ўзбекистон ёқилғи-энергетика мажмуасининг йирик корхоналари: “Ўзбекнефтгаз” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ, “ИЭС” АЖ, “Ўзбекистон МЭТ” АЖ ва “ҲЭТ” АЖ раҳбарияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазири ўринбосарлари Беҳзот Нарматов ва Шерзод Ходжаевлар иштирок этдилар. | http://minenergy.uz/uz/news/view/1299<br>http://minenergy.uz/ru/news/view/1299<br>https://t.me/uzmetaxborotxizmati/7371<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1137<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1137 |
| 314. | **“Қуйи Мозор” подстанциясида қўшимча 190 МВА қувват яратилмоқда**<br>Бухоро вилоятидаги 220 кВли “Қуйи Мозор” подстанциясида филиал техник ишчи-ходимлари ҳамда “Туронэлектромонтаж” АЖ корхонаси курувчилари томонидан йирик ҳажмдаги модернизация-реконструкция ҳамда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1140<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1140 |
| 315. | **Татаристон Республикаси Бош вазири ўринбосари АСКУЭ тизимини жорий этиш бўйича олиб борилган ишлар билан яқиндан танишди**<br>Бугун, 17 июнь куни Татаристон Республикаси Бош вазири ўринбосари–савдо ва ишлаб чиқариш вазири Альберт Каримов бошчилигидаги делегация аъзолари “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг “Электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш Маркази”да бўлиб, бу ерда ташкил этилган замонавий иш жараёнлари билан яқиндан танишдилар. | http://minenergy.uz/uz/news/view/1303<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1142<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1142 |
| 316. | **“Jet-Infosystems” MChJ халқаро консалтинг компанияси мутахассислари иштирокида учрашув ўтказилди**<br>“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раисининг ўринбосарлари Феруз Қурбонов ва Жасур Аширбоев, шунингдек, Акциядорлик жамиятининг мутахассис-ходимлари ҳамда “Jet-Infosystems” MChJ халқаро консалтинг компанияси директори ва мутахассислари иштирокида муҳокамалар учрашуви ўтказилди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1143<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1143 |
| 317. | **“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти томонидан 2021 йилда давлат ташқи қарзи** | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1148 |

| | | |
|---|---|---|
| | **ҳисобига амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида ўзлаштирилган маблағлар тўғрисида маълумотнома**<br>*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ–4937-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2021–2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 2021 йил давомида “Ўзбекистон МЭТ” АЖ томонидан Давлат кафолати остидаги ташқи қарзи маблағлари иштирокида умумий қиймати 601,7 млн. АҚШ доллари ҳисобида бўлган 5 та йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.* | https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1148<br>https://www.uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/1148 |
| **318.** | **ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИ ВА ТЕЖАМКОРЛИГИ: тома-тома кўл бўлур...**<br>Биласизми, 2017 йилдан Ўзбекистон Республикаси худудида 40 Втдан юқори бўлган чўғланма лампаларни сотиш тўхтатилган. Аммо ҳозир ҳам бозор расталарида улар сотилмоқда... Аниқроғи, Ўзбекистонда 2016 йил 1 июлдан қуввати 40 Втдан юқори бўлган чўғланма лампаларни эркин муомалага чиқариш, 2017 йил 1 январдан эса сотиш тақиқланган. Бу Вазирлар Маҳкамасининг 20 октябрдаги қарорида кўзда тутилган эди. | https://t.me/energetika_xabarlari<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1150<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1150 |
| **319.** | **Диққат, эълон! 2021 йил 24–25 июнь кунлари 500 кВ кучланишли «Сурхон» подстанциясида семинар машғулотлари ҳамда махсус тактик-ўқув машқлари ўтказилади**<br>Тоифаланган объектлардаги тайёргарлик даражасини аниқлашга қаратилган тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котибиятининг тегишли топшириқларига мувофиқ ишлаб чиқилган Чора-тадбирлари режасида ҳам акс этган. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1160<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1160 |
| **320.** | **Online: АОКА томонидан ташкил этилган «Ахборот хизматлари фаолияти: очиқлик, тезкорлик ва холислик — бош мезон» мавзусидаги миллий конференция ўз ишини бошлади**<br>⇒ Бугун «International Hotel Tashkent» мажмуасининг «Амир Темур» залига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик идора ва ташкилотларнинг ахборот хизмати раҳбарлари — 180 нафарга яқин матбуот котиблари йиғилган. Миллий конференция «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси — матбуот котиби ҳам иштирок этмоқда. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1154<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1154 |
| **321.** | **Ўзбекистон ва Германия энергетика соҳасидаги шерикликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар**<br>Жорий йилнинг 23 июнь куни Ўзбекистон ва Германия ўртасида энергетика соҳасидаги янги лойиҳалар бўйича ҳамкорликни ривожлантириш масалалари онлайн тарзда ўтказилган “Энергетика форуми” давомида муҳокама қилинди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1164<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1164 |
| **322.** | **“Сурхондарё магистрал электр тармоқлари” филиалида семинар ўз ишини бошлади**<br>Аввал хабар берганимиздек, бугун, 24 июнь куни “Сурхондарё магистрал электр тармоқлари” филиалида муҳим объектларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг билим-малакасини ошириш, ҳарбий тайёргарлик даражасини юксалтириш, саноат ва ёнғин хавфсизлиги масалаларига бағишланган семинар ўз ишини бошлади. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1163<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1163 |
| **323.** | **Инвестиция ва экспорт соҳаларидаги ишлар натижадорлиги таҳлил қилинди**<br>Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 24 июнь куни инвестиция ва экспорт соҳаларидаги ишлар натижадорлиги, йил якунигача амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. | https://president.uz/uz/lists/view/4449<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1166<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1166 |
| **324.** | **«Ўзбекистон МЭТ» АЖ: 500 кВ кучланишли «Сурхон» подстанциясида махсус тактик-ўқув машқлари ўтказилди**<br>2021 йил 24 июнь куни «Сурхондарё магистрал электр тармоқлари» филиалида Сурхондарё вилояти ҳокимияти, вилоят Миллий гвардияси Қўриқлаш бошқармаси, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда бошқа ташкилот ва тузилмалардан вакиллар иштирокида семинар, бугун, 25 июнь куни эса 500 кВ кучланишли «Сурхон» подстанциясида махсус тактик-ўқув машқлари ўтказилди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1168<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1168 |
| **325.** | **Муқобил энергетика тизимларини амалиётга татбиқ этиш – табиий бойликларни асрашда муҳим манба** | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1167 |

| | | |
|---|---|---|
| | Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг қарийб 85-90 фоизи кўмир, табиий газ ва бошқа нефть маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келади. Бунда “Яшил энергия”нинг улуши 10-14 фоиздир. | https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1167<br>https://uza.uz/uz/ |
| **326.** | **Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига**<br>Эл-юртимиз, жамоатчилигимиз матбуот нашрлари, теле-радио каналлар, нашриёт ва матбаа корхоналари, Интернет сайтлари, ахборот хизматларида ўз вазифасини сидқидилдан адо этаётган заҳматкаш журналист ва блогерлар, ношир ва муҳаррирлар, таржимон ва рассомлар, режиссёр ва операторлар, барча техник ходимларнинг машаққатли меҳнатини яхши билади ва юксак қадрлайди. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1170<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1170 |
| **327.** | **Энергетика вазири Алишер Султанов ёшларга мурожаат қилиб, ўз ғояларини www.100ideas.uz орқали юборишлари мумкинлигини маълум қилди**<br>Ёшлар ишлари агентлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, IT-парк ва Президентнинг 5та ташаббуси лойиҳа офиси томонидан ташкил этилаётган республика танловида сиз ҳам мамлакат ривожига хизмат қиладиган ғоя ва таклифларингиз билан иштирок этинг. | https://t.me/minenergy_uz/3485<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1176<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1176 |
| **328.** | **Энди давлат органлари ҳамда ташкилотлари ўз фаолиятига оид ҳисоботларни веб-сайтларига жойлаштириб, жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этади**<br>“Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони *(ПФ–6247-сон, 16.06.2021 й.)* қабул қилинди.<br>Фармон билан барча давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати *(33 та)* тасдиқланди. | https://t.me/huquqiyaxborot<br>https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1175<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1175 |
| **329.** | **Жаҳон Банки директорлар Кенгаши магистрал электр тармоқ подстанцияларини модернизация қилиш ва тизим фаолиятини рақамлаштириш бўйича йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун 380 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилишини маъқуллади**<br>2021 йил 25 июнь куни Вашингтон шаҳрида Жаҳон банки Ижрочи директорлари Кенгаши томонидан **“Электр энергетикаси секторини трансформация қилиш ва барқарор электр узатиш” лойиҳаси** тасдиқланди. Лойиҳада Ўзбекистоннинг миллионлаб истеъмолчилари, ишлаб чиқариш корхоналари, йирик саноат ва кластер мажмуалари электр таъминоти ишончлилигини ошириш мақсадида “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг барқарор фаолияти ривожлантириш кўзда тутилган. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1178<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1178<br>https://www.uzbekistonmet.uz/ru/lists/view/1178<br>https://www.uzbekistonmet.uz/en/lists/view/1178<br>https://www.worldbank.org/en/news/<br>http://minenergy.uz/uz/news/view/1327<br>https://kun.uz/news/2021/06/28/<br>https://www.gazeta.uz/ru/2021/06/28/<br>https://podrobno.uz/cat/<br>https://uz.sputniknews.ru/20210628/ |
| **330.** | **«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти Ахборот хизматининг 2021 йил биринчи яримйиллик ҳисоботи**<br>«Ўзбекистон МЭТ» АЖнинг расмий веб-сайти: uzbekistonmet.uz ва унинг ижтимоий тармоқдаги саҳифалари *(Telegram, Facebook, Twitter, Instagram, Utube, Youtube)* барқарор фаолият юритмоқда. Ижтимоий тармоқларда Жамият фаолиятига тегишли **масалаларга зудлик билан муносабат билдирилиб,** тегишли тартибда таҳлилий мақола, баёнот, хабар ва маълумотлар эълон қилинмоқда. Шунингдек, Акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилаётган модернизация-реконструкция, қурилиш-монтаж ишлари, инвестицион лойиҳаларнинг бажарилиши, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий йўналишдаги амалиётлар кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этиб борилмоқда. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1179<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1179 |
| **331.** | **Online: Айни пайтда Марказий Осиё Бирлашган энерготизимидаги истиқболли вазифалар ижроси ҳамда мавжуд муаммолар таҳлил этилмоқда**<br>*Айни дақиқаларда видеоалоқа шаклида Марказий Осиё Энергетика Кенгашининг 35-сонли йиғилиши бўлиб ўтмоқда. Унда минтақа энерготизимидаги истиқболли вазифалар ва мавжуд муаммолар таҳлил этилмоқда. Йиғилишда «Ўзбекистон МЭТ» АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари С.Артиков, Тизим хизматлари бўйича бош бошқарма бошлиғи А.Мирзаев ҳамда Халқаро алоқалар ва шартномалар бўлими бошлиғи Б.Каримовлар иштирок этмоқда.* | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1181<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1181 |

| | | |
|---|---|---|
| **332.** | **Носозлик сабаблари аниқланиб, унинг олдини олиш чоралари кўрилди**<br>"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизматининг хабар беришича, жорий йилнинг 28 июнь куни соат 16:57да "Ўзбекистон МЭТ" АЖнинг "Химия" подстанциясида қисқа туташув сабаб "НАВОИЙ ҲЭТК" АЖга қарашли 110 кВли электр тармоғида ўчиш содир бўлиб, "Ўзкимёсаноат" АЖ тизимидаги "Навоийазот" АЖ ишлаб чиқариш объектларида электр энергияси узилиши кузатилган. Бунинг натижасида корхонада азотли ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмларининг камайиши ва бошқа ноқулайликлар келиб чиққан. Қисқа муддатдан сўнг ишлаб чиқариш цехларида иш фаолияти босқичма-босқич қайта тикланган. | https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/1182<br>https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/1182 |
| **333.** | **«ЎЗБЕКИСТОН МЭТ» АЖ АХБОРОТ ХИЗМАТИ: 2021 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМЙИЛЛИК ҲИСОБОТИ**<br>«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти Ахборот хизмати (матбуот котиби) томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Ишчи гуруҳи, Мониторинг маркази томонидан тақдим этилган материаллар таҳлили, медиамакондаги **негатив маълумотларга тегишли тартибда муносабат** билдириш амалиёти мунтазам равишда амалга оширилмоқда.<br>Шунингдек, электр таъминотидаги носозликлар, таъминотдаги узилишлар, истеъмолчиларнинг тўлов мажбуриятлари, **тўлов маданияти юзасидан тарғибот ишларида** электр энергияси истеъмолчилари билан бевосита ишлайдиган турдош ташкилотлар: «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ ҳамда «Иссиқлик электр станциялари» АЖ фаолиятига Ахборот ҳамкори сифатида кўмак берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси **Энергетика вазирлигининг муҳим хабарлари** ҳам тегишли тартибда «Ўзбекистон МЭТ» АЖнинг ижтимоий тармоқ саҳифаларида қайта эълон қилинмоқда. | |
| **334.** | Ўзбекистон Президентининг Матбуот хизмати томонидан янгиланиб бориладиган www.president.uz веб-сайтидаги мақола ва хабарлар Акциядорлик жамиятининг веб-сайти ва унинг ижтиоий тармоқдаги саҳифаларида қайта репост қилиб борилмоқда.<br>Шунингдек, Жамиятнинг uzbekistonmet.uz веб-сайтига: **9 та** Ўзбекистон Республикаси Қонунлари http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/30;<br>**27 та** Президент Қарорлари http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/31; **19 та** Президент Фармонлари http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/32; **14 та** Вазирлар Маҳкамаси қарорлари http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/33; **8 та** Норматив ҳужжатлар http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/34;<br>**2 та** Халқаро ҳужжатлар http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/category/18 жойлаштирилган.<br>Шу билан бирга, муҳокамадаги қарор лойиҳаларига тўғридан-тўғри ҳаволалар берилган бўлиб, uzbekistonmet.uz веб-сайтининг «Янгиликлар» рукнидаги **мақола, эълон ва маълумотномаларда** ҳуқуқий ахборот (*қонунчиликдаги янгиликлар*) бериб борилади. Бундан ташқари, Жамиятнинг расмий телеграм каналида Адлия вазирлигининг "Huquqiy axborot" махсус иловасидаги соҳага тааллуқли маълумотлар тез-тез қайта эълон (репост) қилиб турилади. | |
| **335.** | Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармонининг моҳияти ва аҳамияти, унда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг uzbekistonmet.uz веб-сайтида **«Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда» номли** янги рукн (http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/category/51) ташкил этилди. Шунингдек, "Ёшлар сиёсати" (http://uzbekistonmet.uz/uz/lists/category/24) номли янги рукн орқали ёшлар сиёсаига оид маълумотлар бериб борилмоқда. | |
| **336.** | «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятининг расмий телеграм каналида ("O'zbekiston milliy elektr tarmoqlari" AJ t.me/uzmetaxborotxizmati) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг топшириғига биноан 3 та ИШОНЧ РАҚАМИ: Ягона телефон (*Ахборот хизмати*) 71/236-68-08; Ишонч рақами (*жисмоний ва юридик шахслар мурожаати билан ишлаш бўйича мутахассиси рақами*) 71/208-56-46; Девонхона (*Ижро интизомини назорат қилиш ва ишларни юритиш бошқармаси*) 71/236-6865 телефон рақамлари ишлаб турибди. | |
| **337.** | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Мониторинг маркази томонидан тақдим этилган материаллар таҳлили, медиамакондаги **негатив маълумотларга тегишли тартибда муносабат** билдириш амалиёти мунтазам равишда амалга оширилмоқда.<br>Шунингдек, электр таъминотидаги носозликлар, таъминотдаги узилишлар, истеъмолчиларнинг тўлов мажбуриятлари, **тўлов маданияти юзасидан тарғибот ишларида** электр энергияси истеъмолчилари билан бевосита ишлайдиган турдош ташкилот — «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ фаолиятига Ахборот ҳамкори сифатида кўмак берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси **Энергетика вазирлигининг муҳим хабарлари** ҳам тегишли тартибда «Ўзбекистон МЭТ» АЖнинг ижтимоий тармоқ саҳифаларида қайта эълон қилинмоқда. | |

**«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари»**
**акциядорлик жамияти бошқарув раисининг**
**матбуот котиби — ахборот сиёсати**
**бўйича маслаҳатчиси** **У.П.Урунов**